

Ёшларнинг  
маънавий уйғоқлиги  
миллатни  
ғафлатдан  
асрайдиган асосий  
омиллардан биридир.

Ислом КАРИМОВ



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT \* XALQ ZIYOLILARI GAZETASI \* معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 24-noyabr, chorshanba № 92 (8325) ISSN 2010-6416

Ma'rifat  
berni niska

## ПРЕЗИДЕНТ ҚАТАРГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан Доҳа шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАТАРГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Доҳа, 23 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан Доҳа шаҳрига келди.

Қатар араб мамлакатлари ўртасида юксак нуфузга эга давлатлардан биридир. Қатар араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган (1991 йил 30 декабрь).


Ўзбекистон учун Қатар билан ҳамкорлик Араб дунёси давлатлари билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт ва коммуникация ҳамда маданий-гуманитар каби соҳаларда янада самарали ҳамкорликнинг янгидан

янги истиқболларини очади. Ўз навбатида, Қатар Ўзбекистон билан муносабатларга устувор аҳамият қаратиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан минтақавий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ҳамда амалий характерга эга сиёсатни юксак баҳолайди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 ноябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Қатар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎЗА)

*Mening maktabim — mening faxrim!*



## БУНЁДКОРЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНСА...


Йўллар дилларни боғловчи, мамлакатнинг тараққиёти, элнинг фаровонлигига хизмат қилувчи ришта. Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг қонмири ҳисобланган йўл ва ундаги коммуникация тармоқлари ҳам шу қадар ривожландики, биргина водий вилоятларини боғловчи Қамчиқ довонида йўлсозлик борасида олиб борилаётган катта кўламдаги ишлар сизни ҳайратга солади. Равон йўллар орқали фахру

гуруримиз тимсоли бўлган ўзбек автомобилида доvon ошиб борар экансиз, йўл машаққати деган ўй хаёлингизга ҳам келмайди. Аксинча, давлатимиз томонидан аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида олиб борилаётган ишлар, хусусан, йўлсозларимизнинг меҳнати натижасида йўлингиз тоғ саёҳати ва мароқли сафарга айланиб бораётганлигини ҳис қиласиз...

(Давоми 3-бетда.)

*Talabalar festivali — 2010*

## «ДўСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, ИЖОДКОРЛИК — МАҚСАДИМИЗ!»



11-бетга қаранг.

## МУСИҚАНИНГ ЁШ ШАЙДОЛАРИ

эътибор ва ғамхўрликдан  
илҳомланишмоқда



Санъат — мўъжизакор олам. Баркамол авлод тарбиясида унинг ўрни бўлакча. Демакки, болажонларни musiқа ва санъатга ошно қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Президентимизнинг «Болалар musiқа ва санъат мактабларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»-ги қарори иж-

росини таъминлаш мақсадида республикамизнинг барча худудларидаги musiқа ва санъат мактабларига катта эътибор қаратилмоқда, янгидан қурилиш, реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Бундай рағбат ва ғамхўрликдан руҳланган болажонлар ўзлари эгаллаётган билим ва маҳоратларини жойларда ташкил этилаётган ҳисобот концертларидаги чиқишларида намоён этишмоқда.

(Давоми 6-бетда.)

ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

«Ma'rifat»ga  
maktublar

5-бет

МТМ  
ТАОМНОМАСИ

У ҚАН ТАРТИБДА  
ТУЗИПАДИ?

6-бет

ВАҚТ —  
МУВАФФАҚИЯТ  
ГАРОВИ

12-бет

ОПТИНЛАР  
БҮЙИЧА  
КҮРСАТКИЧ —  
БЕШ

15-бет

## ЮКСАК ЭЪТИБОРНИНГ АМАЛДАГИ ЯНА БИР ИФОДАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, агентлик ва муассасалар, жамоат ташкилотлари, кутубхоналар, ахборот-ресурс марказларининг раҳбарлари, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари ходимлари, ахборот технологиялари йўналишидаги олий таълим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И.Саифназаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси А.Хўжаев, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг барча жабҳаларини изчиллик билан ислоҳ этиш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш жараёнида оммавий

ахборот воситаларини жадал раванак топтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Юртимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, уларнинг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятни яратиш, сўз эркинлигини амалда таъминлаш, аҳолининг эркин ахборот олиш механизмлари аниқ белгилаб берилган. Бу эса оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фаолият туридан қатъи назар барча, шу жумладан, нодавлат оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг ахборот соҳасини демократлаштиришдаги фаол иштирокини таъминлаш имконини бермоқда.

Оммавий ахборот воситаларига кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ, сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимда ҳаётга узатилмоқда. Эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинмоқда. Юрти-

мизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал кенгайиб бормоқда. Айтиш пайтда бу соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасида баён қилинган концепция ахборот соҳасини давр талаби асосида ислоҳ этиш, ахборот соҳасидаги муносабатларни тубдан янгилаш, соҳага бозор механизмларини жорий этишни жадаллаштириш, ахборот олиш эркинлигини мустаҳкамлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмни яратишга йўналтирилган. Президентимиз томонидан бу борда илгари сурилган ғоялар оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлади.

Йиғилишда ислохотларнинг янги босқичида парламентнинг ўрни, концепцияда белгиланган вазифалар ижросида депутатларнинг фаол иштирокини таъминлаш, сиёсий партиялар фракцияларининг ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалий таклифлари атрофлича муҳокама этилди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири

## ЮРТ ТАҚДИРИГА ҲАММАМИЗ ДАХЛДОРМИЗ

Мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини диққат билан тингладим, матбуот саҳифаларидан такроран ўқиб чиқдим.

Айтиш лозимки, ушбу маъруза барча юртдошларимиз қатори менинг ҳам қалбимга бир олам фахр ва гурур, келажакка ишонч ҳамда катта масъулият ҳиссини бахш этди. Зеро, унинг асосида мамлакатимизнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси белгилаб берилди. Маърузада мамлакатимизнинг қарийб йигирма йиллик тараққиёт йўли, бунёдкор халқимиз томонидан амалга оширилган кенг қўламли, улкан аҳамиятга молик ишлар ўз аксини топди.

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек улкан, бебаҳо

неъматни қўлга киритдик. Айниқса, маърузада таъкидланганидек, ислохотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиш, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туйғайли

халқимизни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлинди. Ўтган фурсатлар халқимиз онгу шуурида ана шу неъматларга шукроналик, Ватан ва халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиш туйғуси билан йўғрилди. Бу айниқса, иқтисодий ислохотларда яққол ўз аксини топмоқда. Молия соҳасида бўлғуси мутахассис сифатида ана шу жиҳатларга катта эътибор қаратдим. Зеро, турмуш тарзимиз, яшаш шароитларимиз кундан кунга яхшиланиб, мамлакатимизнинг фаол ижтимоий сиёса-

ти ҳар бир хонадон, ҳар бир оила ҳаётига чуқур кириб бормоқда. Буни аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ушбу ижтимоий ҳимоянинг муҳим

бўғини сифатида талабалар стипендиясини келтириб ўтиш жоиз. Ҳар сафар Президентимизнинг ойлик маошларини ошириш тўғрисидаги қарори қабул қилинганда унда иш ҳақи, ижтимоий нафақалар билан бир қаторда стипендиялар миқдори ҳам алоҳида тилга олинади. Бу ҳам мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътиборнинг яққол намоёнидир.

Дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатларини ҳам жиддий ташвишга қўяётган катта иқтисодий йўқотишларига сабаб бўлаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши юртимизда амалга оширилаётган ишлар нати-

жаси ўлароқ ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари юқориламоқда. Шу сабабли ҳам бугун тараққиётнинг «ўзбек модели» кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Маърузани ўқиб, уни тенгдошларим, ўқитувчиларим билан қизгин муҳокама қилдик. Мени гурурлантирган яна бир жиҳат: барча тенгдошларим, мен каби ёшларнинг юрт тақдири, Ватан ва миллат келажакига беъэтибор эмаслиги бўлди. Улар мамлакатимизда демократик ислохотлар, фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг мазмун-моҳияти, бу борада ёшларнинг ўрни ҳақида ўз мустақил фикрига эга. Келажакка ишонч, катта куч, ғайрат жўш урган йигит-қизлар ҳаётида озод ва обод, ҳур ва фаровон юртимизда ўтаётган ҳар дақиқанинг бaxтга ҳамроҳ эканлигини кузатиш мумкин.

Шахло ЭРХОНОВА,  
Тошкент молия институтини талабаси

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Наманган шаҳрида эса янада кенг қўламли бунёдкорликлар ҳавас ва ҳайратингизни оширади. Қисқагина вақт ичида шунча ободлик, қурилиш, яратиш, янгиланиш ишлари... Айтишгагина осон. Буларнинг барчаси юртининг, эртанги авлодлари иқболидан дарак эмасми?

Поп туманидаги кўхна Курумсарой қишлоғига етиб борганимизча, шу аснодаги ўй-хаёллар ҳамроҳ бўлди. 1200 йилдан ортиқроқ тарихга эга бўлган бу қишлоқнинг мустақиллик йилларидаги кўркем қиёфаси, кишилар юзидаги шодумонлик ва уларнинг фарзандлари таълим-тарбия олаётган МАКТАБни кўргач эса, бунёдкорлик кудратини яратувчанлик, ташаббускорликка ундаётгани яна бир бор ёдга олдик. Дарҳақиқат, озод ва обод юртимиздаги бу манзиллар, жумладан, 16-ихтисослашган мактаб-интернат жамоасини тинчлик ва фаровонлик истиқболга ишонч ҳиссини рағбатлантириб ҳам шундоққина билиниб турарди.

Юртимизнинг мафтункор табиати одамлари қалбига ҳам ўзгача нозик дид ва таъби «юқтирган», деган гапда жон бордек. Зеро, оддийгина тоғ тоши воситасида санъаткорона тарзда безатилган мактаб ҳовлиси, хоҳиш ва иштиёқ бўлса, гўзалликни инсон ўз қўллари билан ҳар қандай шароитда ҳам яратиши мумкин эканлигини ўқтираётгандек. Анави, мактаб саҳнидаги гўзал фаввора-чашмада шарқ устачилик ва кулолчилик санъати мужассам. Бу чашма нима учун айнан ахборот-ресурс маркази олдига қурилганининг сирини сизларга очайлик: ўқувчиларни фақат олға интилишга чорлаётгандек тўлиб-тошиб турувчи зилол сув атрофида яқин кунларда ёзги кутубхона ишга тушар экан.

— Қандай яхши бўлади, тўғрими, — дейди табиатан куйди-пишди мактаб директори Ҳалима Дадабоева. — Ёзининг исиқ кунни тўрт девор ичида китоб ўқиш билан чашма сувнинг салқин ва ўзига хос «музыкаси» остида қилинган мутолаанинг ер билан осмонча фарқи бор. Ўзим ҳам китобни очик табиат кўйида, оқар сув ёнларида ўқишни ёқтирдим. Барча орзуларимиз шу фарзандларимиз, шогирдларимизда ушалсин!

### БУ ҚАНДАЙ ИДОРА?

Мактаб сўзи маънавий-маърифий маскан, маънавият ўчоғи, зиё улашувчи даргоҳ каби атамалар билан бирга қўлланилади. Шундай экан, у ободлиги, орасталиги, кўркем қиёфаси, батариблиги, қисқача айтганда, бор бўйбаста билан атрофидаги барча муассасаларга-да ўрнат бўлиши лозим. Ушбу мактаб-интернат ҳақида ҳеч иккиланмай ана шундай сифатларнинг барчасини қўллаш мумкин. Мактабнинг «қўшни»лари бўлган хонадон аҳлларидан эшитганимиз, бир омонат гапни ҳам шу фурсатда айтиб ўтмасак бўлмас: «Уйимизга қўшни давлатда яшайдиган қариндошимиз меҳмонга келгани. Эрталаб кўчадан бироз таажубланиб кириб келди-да, «Уйингиз олдидаги анави кўк бинода қандай идора жойлашган», дея сўради. Биз бу — мактаб дедик. У аввалига ишонч қирамади. «Наҳот, мактаб ҳам шундай кўркем биноларда жойлашган бўлса?!», деб ҳайрон қолган бўлса керак-да», ҳикоя қилади ўзбекона самимий гурур билан Махфират опа.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: — Мактабидан ким гурурланади, унинг ташвишини ўз ташвишидек қабул қила оладиган одамларгина. Ёруғ келажакка комил ишонч билан қарайдиган, фарзандларининг эртасида юртининг порлоқ истиқболини кўра оладиган, бу туйғуга юракдан ишонадиган юксак маънавиятли халқ.

Уларнинг бу ишончига эса сўзсиз давлатимиз томонидан баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор, хусусан, Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида амалга оширилган мислсиз ишлар доялик қилганига шубҳа йўқ. Наманган вилоятидаги таълим муассасалари орасида ота-оналарнинг, маҳалладошларнинг фаҳрига, гурурига айланган мактаблар оз эмас. 16-ихтисослашган мактаб-интернат ҳам умуммиллий дастури асосида жорий



куроллар тан-лови, деворий газеталар тан-

**Mening maktabim — mening faxrim!**

лови, синфлараро фан ва спорт бўйича танловларнинг барчасида голиб синф ўқитувчиси, албатта, рағбатлантирилади. Фанлар олимпиадасида голиб бўлган ўқувчи, унинг устози, ва ҳатто, голиб ўқувчининг ота-онасини ҳам мукофотлашни йўлга қўйдик. Ахир фарзандининг орқасидан қўлга киритаётган биринчи мукофот қайси ота-она учун қадрли эмас. Мана шундай ҳолатларга гувоҳ бўлганимиздан кейин ота-оналар кўзидеги ўша меҳр ёши учун ҳам бир умр тиним билмай ишлашга рози бўласан киши. Айтганча, «Муассаса ҳаёти» бурчагидаги қутичага кўзингиз тушдими? У тест жавоблари қутичаси. Фан бурчақларига доимий равишда турли фанлардан тест саволлари иллинади. Ўқувчилар уларни ечиб, жавобларини ана шу

пиш бўйича яхшигина тажриба тўпланган бўлиб, «Спорт залингизда тўп борми?», «Волейбол сеткасини янгилаш учун туман халқ таълими бўлими ёрдам берармикан?», деган муаммоларга ҳеч қандай ўрин йўқ. Биз бежиз айнан тиббиёт хонаси, спорт зали ёки пардалар ҳақидаги мисолларни келтирмадик. Боиси, 464 миллион сўмлик капитал реконструкция ишлари натижасида обод таълим масканига айланган мактабнинг спорт залида жиҳозларнинг етарлилиги, шинамгина қурилган тиббиёт хонасида 21 номдаги зарурий дори воситаларининг шай ҳолатда турганлиги ва янги мебель ҳамда ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган синфхоналарда яратилган қўшимча қулайликлар киши диққатини тортиши тайин.

# БУНЁДКОРЛИК МАКТАБДАН БОШЛАНСА...

таъмирланди, 181 миллион сўмлик мебель ва ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Ўшанда ҳам ўзига хос ташаббускорлик ўз сўзини айтганди. Мактабга том маънода умумхалқ мулки ва ўша халқнинг бир вакили сифатида Менинг ҳам асрашга, жон куйдиришга арзигулик мулким, деб қараш тўғриси маблағнинг тўғри ва ўз жойига йўналтирилишига сабаб бўлганди. Жумладан, 400 ўринли фоллар зали жаҳон андозаларига мос ҳолда таъмирланди ва жиҳозланиб ўқувчилар ихтиёрига топширилди.

Мактабда ҳомийлар, бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобидан ҳам ҳар йили каттагина қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаёпти.

— Айни пайтда таълим муассасамизда 251 нафар ўқувчи ўқийди, — дейди Ҳалима Дадабоева. — Уларнинг 220 нафари таълим муассасамиз ётоқхонасида туради. 4 маҳал иссиқ овқат берилади. Иқтидорлар камол топиши, мана шу юртнинг муносиб ворислари бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан шунча имкониятлар яратиб берилмоқда. Шундай экан биз ҳам ўқувчиларимизга янада кўпроқ қулайликлар яратиб бериш, муассасамизни янада обод, кўркам қилишга интиламиз.

Мактабимизда ярим гектар фойдаланадиган еримиз бор. 432 туп мевали дарахтлар ўтқазганмиз. Бундан 4-5 йил аввал Фарғонанинг Кува туманига бориб, анор, ўрик, олма, хурмо, шафтоли, олча, беҳи, ёнғоқ, гилос, анжир каби мевали дарахтларнинг энг яхши навларини олиб келгандим. Бугун мана шу меваларнинг биронтасини бозордан сотиб олмаймиз. Ўқувчиларимизни тўлиқ таъминлаймиз. Ортганини сотамиз ҳам. Мақтанишга йўймасангиз, ҳозир омборимизда 2 миллион сўмликдан ортиқроқ мева қоқиларимиз бор. Қишда ўқувчиларимизга шарбат қилиб берамиз. Мактабимиздаги жами дарахтларни бирмабир санаб чиқсам 1310 туп экан. Ловия, шолғом, пиёз, турп, бақлажон, картошка, карам каби 10 тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари, кўкатлар ҳам ўзимиздан чиқади. 2008 йили шуларнинг ўзидан 12 миллион 800 минг сўм, 2009 йили 11 миллион сўм даромад қилдик. Кейинги йилларда сотишдан ҳам кўра ўқувчиларимизга қишлоқ мева захираси тайёрлашга кўпроқ ҳаракат қиляпмиз. Болалар организми витаминлар билан тўлиқ таъминланса, билингки, таълимда юксак марралар забт этилаверади.

## ВИТАМИНЛАР ВА РАҒБАТ БИРЛАШИБ

2008-2009 ўқув йили якунида Наманган шаҳридаги 2-академик лицейда вилоятдаги 23та ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчилари ўртасида муддатидан олдин саралаш синови ўтказилди. 16-ихтисослашган мактаб-интернатдан синовга жалб этилган 30 нафар ўқувчининг 27 нафари белгиланган меъёрлар бўйича юқори натижаларни кўрсатганини мактаб-интернат ўқитувчилари гуруҳ билан сўзлаб беришди. Албатта, гуруҳланишга арзийди. 2010 йили мактаб ўқувчиси Достон Полвонов «Энг фаол китобхон» кўрик-танловининг республика босқичида 1-ўринни қўлга киритди.

— Булар витаминларнинг таъсири ми ёки ўқитувчиларнинг меҳнати натижасими, — ҳазил аралаш сўраймиз мактаб раҳбаридан.

— Иккаласи ҳам, — дейди Ҳ.Дадабоева ҳозир жавоблик билан. — Юқорида айтиб ўтганим бюджетдан ташқари топилаётган маблағлар ҳисобидан ўқитув-

қутичага ташлайдилар. Барча саволларга тўғри жавоб топган ўқувчиларга махсус мукофот жорий этилган. Бу ҳам бир рағбат-да.

Мактабнинг тасвирий санъат фани ўқитувчиси Ваҳобжон Буваев 2006 йили Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон санъати ва маданияти кунлари муносабати билан ташкил этилган «Қадимги шарқ моҳир усталари» халқаро кўргазмасида голиб бўлиб қайтди. Шунингдек, «Ташаббус-2008» кўрик-танловида Президентимизнинг махсус мукофоти «Матиз» автомобили билан тақдирланишида ҳам маълум маънода мактабдаги ижодий дўстона муҳит, қилинган меҳнатнинг қадр топиши каби ҳолатларнинг таъсири йўқ эмас.

Излаган имкон топар, деганлари рост. Жамоа бир ёқадан бош чиқариб шу қадар катта кўламдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишларини олиб борганки, бир қарашда бир мактабнинг ўз кучи билан шунча ишларни амалга ошириши имконсиздек туюлади. Маънавият-маърифат хонаси, қизлар ва ўғил болалар учун гардероб, ўқитувчи ва ходимлар учун овқатланиш хонаси, сабзавотлар сақланадиган омбор, АРМ ва етакчи кластер мактаблари учун ажратилган хоналарнинг қўшимча зарурий техник талабларга мос равишда таъмирланиши, 2та иссиқхонанинг қурилиш ишлари анчагина маблағ ҳамда саъй-ҳаракат талаб қилиши бор гап.

## «ТИББИЁТ ХОНАНГИЗДА ДОРИ БОРМИ?»

Тўрақўрғон туманидаги 8-мактабнинг тиббиёт ҳамширасига бундай саволни бериб бўлмайди. Негаки, мактабда бюджетдан ташқари маблағ то-

чиларни мунтазам рағбатлантириб боришга ҳаракат қиламиз. Ихтисослашган мактаб-интернат ўқитувчиси деган номга муносиб бўлиш учун ўз устида кўпроқ ишлаши керак. Рағбат бор жойда ютуқ бор, муваффақият бор — бу ҳаётий ҳақиқат. Шунинг учун ўқитувчини ҳам, ўқувчини ҳам фаолликка ундовчи бир неча кўрик-танловлар ташкил этганмиз. Кўргазмалари



Мактабда ташкил этилган «Ўқувчиларни рағбатлантириш фонди» ҳам тадбиркорликнинг таълим самарадорлигига ижобий таъсирини кўрсатиб берувчи бир далил. Умуммиллий дастур асосида бунёд этилган 12x24 ҳажмдаги замонавий спортзал бугун ўқувчилар хизматида, физика, кимё, биология фанлари бўйича 70 миллион сўмдан ортиқ маблағдаги ўқув-лаборатория жиҳозлари келтирилган. Мактаб эса бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан ўқитувчилар хонаси ва кутубхонани ўз ичига олган 76 квадрат метр ҳажмдаги янги бинони қуриб битказибди. Шунингдек, «Нуриддин» ҳамда «Улуғбек» фермер хўжалиқлари, тумандаги 401-ПМК томонидан 3 миллион 600 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилгани вилоятда фарзандлар камоли йўлида самарали ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилганлигидан дарак борлиқ.

Шу ўринда бир муҳим жиҳат: авваллари тадбиркорлар мактаб ташвишларидан узокроқ бўлишни хоҳлашса, бугун улар келажакнинг пойдевори қўйилаётган бу масканга елкадош бўлишни иштаётгани кувонарли ҳол, албатта. Қолаверса, аҳил жамоа ва ишнинг кўзини биладиган раҳбар фаолият юритаётган мактаб бугун бировнинг ёрдамига кўз тикиб ўтирмайди. 2009 йили ана шундай хайрли мақсадни кўнгилга туққан ҳолда мазкур таълим муассасасида ҳам хитой-термос услубидаги 2та иссиқхона қурилганди. 1,5 метр чуқурликда барпо этилган бу иссиқхона қулай эканлиги, ҳеч қандай иссиқлик тизимига эҳтиёж сезмаслиги билан эътиборимизни тортди. 50 туп лимон кўчати гуркираб ўсмоқда. Бу йилги илк ҳосилини кўз-кўз қилаётган бу табиат неъматларини кўриб кўз қувнайди.

— Лимон чеккаларига 460 туп қала гул кўчатлари эккандик. Ҳар бир гул 10-15тадан гўнча тугади. Бир йилнинг ўзида ана шу гул гўнчаларини сотиш ҳисобидан 400 минг сўмга яқин даромад олддик, — дейди мактаб директори Холматжон Эгамбердиев. — Бу йил лимонларимиз ҳам ҳосилга кирди. Бир туп лимон 100 килограмгача мева берар экан. 5 йилдан кейин ҳар йили 5 тоннадан ортиқроқ лимон етиштириш имконига эга бўламиз. 2009 йили туман ҳокимлиги мактабимизда таълим муассасаларидаги экин майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий семинар ташкил этди.

Тўрақўрғон туман халқ таълими бўлими мудир Соҳибжон Эргашевнинг таъкидлашича, мониторинг натижаларига кўра мазкур мактаб тумандаги умумтаълим муассасалари орасида таълим самарадорлиги бўйича ҳам олдинги ўринларда экан. Муассаса «Йил мактаби-2009» кўрик-танловида туманда 1-ўринни эгаллабди. Кўриниб турибдики, изланиш ва ташаббус таълим самарадорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусияти, шароити, имконияти бор. Ундан самарали фойдаланиш эса ютуқларнинг бош мезонидир.

**Бахтиёр ЁҚУБОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири  
**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ**  
олган суратлар.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TASHKI IKTISODIY ALOQALAR, INVESTIYALAR VA SAVDO VAZIRLIGI TOMONIDAN POYTAHTIMIZDAGI XALQARO XAMKORLIK MARKAZIDA ЎЗБЕКИСТОН ВА ИСПАНИЯ ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, нефть-газ, қишлоқ ва сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, кимё, транспорт ва транспорт коммуникациялари, сайёҳлик, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Форумда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Испания ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТАЧИРЧИК ТУМАНИДА ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVKULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI VA YUNISEF TASHKILOTINING XAMKORLIK DASTURI DOIRASIDA SEMINAR-TRENING MASHFULOTLARI TASHKI ETILDI.**

Тадбирда вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси ва Чирчиқ шаҳар аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази мутахассислари томонидан фуқаролар, мактабгача ҳамда умумий таълим муассасалари тарбияланувчилари, ўқувчиларни табиий ва техноген тусдаги фавқулудда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга ўргатиш, табиий офатлар содир бўлган ҳолатда аҳолини хавфсиз ҳудудларга кўчириш билан боғлиқ масалалар ҳусусида сўз юритилди.

Уч йилдан буён давом этаётган лойиҳа доирасида вилоятнинг кўплаб маҳаллалари, мактаблар ва болалар боғчаларида фуқаро муҳофазасига қаратилган тадбирлар ўтказилиб, махсус қўлланмалар тарқатилди.

**Илҳом БЕКЧАНОВ,**  
Тошкент вилояти Фавқулудда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**ЮРТИМИЗДА ФОТО САНЪАТИНИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШ, АНЪАНАЛАРИНИ БОЙИТИШ, СОҲАДА ИЗЛАНИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН ЁШЛАРНИ ҲАР ЖИҲАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚўВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА.**

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган Ижодий фотосуратлар студия-мактаби битирувчилари асарларининг кўргазмаси ҳам ана шу эътиборнинг бир намунасидир.

Кўргазмада Замира Зарифбоева, Алишер Қозоқбоев, Дина Мусина, Александра Гавриленко сингари ёш фотоижодкорларнинг табиат манзаралари, мейморий обидалар, ёшлар ҳаёти акс эттирилган юзга яқин ижодий иши намойиш этилмоқда.

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙўЛЛАР ИНСТИТУТИДА «ХОТИРА МАНГУ, КАДР МУКАДДАС» МАВЗУСИДА ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ. ИНСТИТУТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ, ТАЛАБАЛАР ҚАТНАШГАН УЧРАШУВ ШУ ДАРГОҲДА ФАОЛИЯТ ЮРИТГАН ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ МУХБИР АЪЗОСИ ХАЙДАР ПўЛАТОВ, ХУСНИТДИН ИСАМУҲАМЕДОВ ХОТИРАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ.**

Тадбирда сўз олганлар Х.Пўлатов ҳамда Х.Исамуҳамедов ҳаёти ва фаолияти, уларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлашдаги фидойилиги, жамоатчилиги, ёшларни тарбиялашдаги умуминсоний кадриятлар тарғиботчиси бўлганлиги, ташкилотчилиги, умуминсоний, ахлоқий фазилатлари ҳақида фикр билдирди.

Тадбир якунида ҳар икки олим, мураббийнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**Хасан АБДУНАЗАРОВ**



**С.ХўЖАНИЁЗОВ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОК ДАВЛАТ ЁШ ТОМОШАБИЛАР ТЕАТРИДА МИЛЛИЙ КўҒИРЧОҚЛАР ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНИЙ ҚИСМИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Унда Қорақалпоғистон Республикаси «Хунарманд» уюшмасининг туманлардаги бўлимлари ва Хўжайли шаҳридаги Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан яратилган миллий кўғирчоқлар кўргазмаси намойиш этилди.

Томошабинлар кўғирчоқларнинг ясашиш жараёнини кузатиб, оддий кўринган ўйинчоқлар ҳам катта машаққатлар эвазига пайдо бўлишига гувоҳ бўлдилар. Тадбир якунида голибларга Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ва Республика «Хунарманд» уюшмаси томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар тақдим этилди.

«Гулзор» фольклор ансамбли жамоасининг бадиий дастурлари фестивалъ иштирокчиларида катта таассурот қолдирди

**Мухтасархон КАРИМОВА**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ МЕТОДИКА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДАГИ 298-МАКТАБДА ЎТКАЗИЛГАН «БИЗ ВА БИЗНИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ ИХТИСОСЛИГИМИЗ ЙўНАЛИШИДА «УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ»НИНГ РОЛИ» МАВЗУСИДАГИ ЎқУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР «УСТОЗ-ШОГИРД МАКТАБИ»НИ ТИЗИМЛИ ВА САМАРАЛИ ИШЛАШНИНГ ЙўЛГА ҚўЙИШГА ҚАРАТИЛДИ.**

Тадбирда ҳар ўқув йили якуни бўйича «Устоз-шогирд мактаби» фаолиятининг диагностика таҳлили ўтказиб борилишига, эришилган ютуқлар ва юзга келаётган муаммо ва камчиликларни аниқлаб бартараф этиш чораларини кўриш масалалари семинар қатнашчилари томонидан кенг муҳокама қилинди. Шунингдек, чизмачилик, тасвирий санъат, меҳнат таълими ва мусиқа маданияти фани ўқитувчиларининг турли мавзулардаги маърузалари ўқиб эшиттирилди.

**МУХБИРИМИЗ**



**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИДА «БУТУНЖАҲОН ФАЛСАФА КУНИ»ГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Фалсафа жамияти, университет фалсафа факультети, ЎЗР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда таниқли файласуф, ҳуқуқшунос, жамиятшунос олимлар ва факультет талабалари иштирок этди.

Ҳозирги пайтда ушбу кун дунёнинг кўпгина мамлакатларида, жумладан, 2006 йилдан буён Ўзбекистонда ҳам кенг нишонланмоқда. Тадбирда юртимиз файласуфларининг дунё тафаккури тамаддунига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани ва бу нуфузли халқаро анжуманлар, семинарларда эътироф этилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир давомида ёш иқтидорли талабалар ўз илмий ишларини тақдим этиб, бу болада олимлар билан фикр алмашдилар.

**Даврон СУННАТОВ**

**ФАРҒОНА ШАҲРИДАГИ МИНТАҚАВИЙ ҚОН ҚўЙИШ МАРКАЗИ АНДИЖОН, НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ ШИФОХОНАЛАРИНИ ҲАМ БАРЧА ГУРУҲ ВА РЕЗУСДАГИ ҚОН БИЛАН ТАЪМИНЛАБ ТУРАДИ.**

Бу ердаги собиқ вилоят қон қуйиш станцияси Минтақавий қон қуйиш марказига айлантирилиб, замонавий бино билан таъминланди.

Марказда 62 нафар юқори малакали мутахассис хизмат қилапти.

Шаҳарда шунингдек, ОИТСга қарши кураш маркази биноси ҳам янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати салкам бир миллиард сўм бўлган уч қаватли бинода поликлиника, лаборатория ва эпидемиология бўлими жойлашган.

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТ FAVKULODDA VAZIYATLAR BOShQARMASI, UChKUPRIK TUMAN HOKIMLIGI XAMKORLIGIDA UChKUPRIK TUMAN TRANSPORT VA QURILISH KASB-XUNAR KOLLEJHI PEDAGOG XODIMLARI VA UqUVCHI-EshLARI URTASIDA «FUqARO MUHOFAZASI KUNI» TADBIRLARI YUqORI SAVIYADA TASHKI ETILMOQDA.**

Тадбирнинг кўргазмалари чиқишларида фавқулудда вазиятларнинг кўринишидан бири литосфера қатламида кучли ҳаракатланишнинг юзга келиш жараёни — зилзила ҳодисаси асос қилиб олинди.

Педагог ходимлардан иборат тузилмалар ҳамда ўқувчи-ёшлардан ташкил топган гуруҳлар кучли зилзила пайтида нималарга тайёр бўлишлари, ўзларини қай йўсинда бошқаришлари, эвакуация, қутқарув ёрдами кўрсатиш жараёнлари кенг ёритиб берилди. Айниқса, жисмоний талофат кўрганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш ва зудлик билан оловни бартараф этишга тайёргарлик кўргазмасининг эстафета мусобақаси шаклида ўтказилгани эътиборли бўлди.

«Фуқаро муҳофазаси куни» тадбирлари давомида ишчи-ҳодимлар ва талаба ёшлар учун очик дарслар ташкил қилинди.

Уч кун давом этган тадбирлар шуниси билан аҳамиятлики, ҳар бир ёш захарланганда, жароҳат олганда бошқаларга тиббий ёрдам беришни, муҳандислик ҳимоя иншоотлари тузилишини ўрганишни янада муқаммалроқ ўзлаштирди, десак, муболага бўлмайди. Семинар мавзулари юзасидан чиқарилган деворий газеталар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари, улар томонидан чизилган расмлар ва тайёрланган фотолавҳалар тадбирни мазмунини бойитди.

Фаол иштирокчиларга Фарғона вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси, Учкўприк туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Соҳибжон НАБИЕВ,**  
Учкўприк туман Транспорт ва қурилиш касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Мақтабда ўти-  
лаётган фанлар-  
нинг бола томо-  
нидан ўзлаштирилиши, дар-  
слар самарадорлиги ва таъ-  
сирчанлиги, бола ва ўқитувчи  
орасидаги муносабат,  
мураббийнинг дарсга ёнда-  
шиш услублари билан чам-  
барчас боғлиқ жараён  
хисобланади.

### Mulohaza

фурсат туғи-  
лиши била-  
ноқ, ўтилаёт-  
ган мавзуга боғлаб, ҳаётий  
мисоллар келтириш, улар  
юзасидан болаларнинг фик-  
рини сўраш, турли муаммо-  
ли вазиятлар ечимини то-  
пишга ундаш орқали биз  
болалар тарбиясида ижобий  
бурилиш ясаймиз.

Болага қайсидир фан юза-  
сидан билим бериш бароба-  
рида, одоб-ахлоқ масалала-

Хар бир инсон ҳаётда ўз  
ўрнига эга эканини ҳис  
қилиши ва ўзаро муносабат-

## Масъулиятни ҳис этиб

рини ҳам эътибордан четда  
қолдирмаслик зарур. Бун-  
дай вазифаларни дарс жа-  
раёнининг муайян бир қис-  
мига татбиқ қилинг. Хар бир  
ўқувчида тартиб-интизом  
қоидаларига риоя қилиш  
кўникмасини шакл-  
лантирсақ, қандай соз.

Албатта, ўқитувчи хар  
қандай ҳолатда ҳам ўқувчи  
шахсига ҳурмат билан ёнда-  
шиши, босиқлик билан му-  
омала қилиши жуда муҳим.  
Акс ҳолда, бола ўринли-  
ўринсиз танбехлардан  
ўзини ҳимоя қилиш мақса-  
дида турли баҳона ва  
ёлғонларни тўқишга одат-  
ланиб қолади.

Дарс давомида қулай

да икки томонлама хайрхо-  
ликнинг нақадар катта ўрин-  
га эга эканини англаши зар-  
ур. Ўқувчи қалбига йўл то-  
пиш ҳам шундай нозик маса-  
ла. Дарс жараёнидаги ҳеч  
бир хатти-ҳаракатимиз бола  
эътиборидан четда қолмай-  
ди. Қайсидир хислатимиз  
бола томонидан ўзлаштири-  
лиши ва ҳатто унинг келажа-  
гида акс этиши ҳам мумкин.  
Хар бир ўқитувчи, аввало, ўз  
зиммасидаги мана шу улкан  
масъулиятни ҳис қила олса,  
хаммаси кўнгилдагидек  
бўлади.

Қадамбой  
ТОЖИМУРОДОВ,  
Гурлан туманидаги  
31-мактаб ўқитувчиси

## Соғинч

Устоз номини елкада гард  
юқтирмай, пок-покиза қилиб ор-  
тиб юриш, менимча, жасорат. Хар  
сафар устозлар ҳақида гап кетган-  
да, кўз олдимда болалик, ўқувчи-  
лик хотираларим гавдаланади. Илк  
бор мактаб остонасига қадам  
қўйганим... Ушанда инсон қиёфа-  
сидаги фариштага дуч келган  
эдим, гўё.

Сизнинг меҳрли нигоҳларин-  
гиз, донна-донна сўзларингиз, сами-  
мийлигингиз ҳамон ёдимда.  
Ўйлайман, сиздан бирор марта

бўлсин, ихлосим қайтмаганининг  
сири неدير?

Хар бир айтган сўзингиз — ҳик-  
мат, дарсларингиз — хазина, «уст-  
тоз» деган номга эришганингиз  
эса ҳавас бўлиб туюлган. Уйда  
ўйинчоқларимни «ўқувчи»га ай-  
лантирар ва уларга «дарс» берар-  
дим, хонанинг у ёғидан-бу ёғига  
ўтиб, сизнинг ҳаракатларингизни  
такрорлардим бўлардим.

Ҳозир улғайдим, университет  
талабасиман. Уша дамларни эсла-  
сам, антикаман. Бир куни дарсга

Мақтабда ўзбек  
халқининг миллий  
қадриятларини

### Ta'kid

ёшларни  
тарихий  
обидалар

билан таништириш, те-  
атр, музей, шоир ва санъ-  
аткорларнинг уй музейла-  
рига олиб бориш — би-  
ринчи галдаги вазифа-  
миз.

Кўқон шаҳрида яшаб  
ўтган шоирларнинг уй-му-  
зейларига, Катта кенагас

## Таълим ва қадрият уйғун бўлса...

қадимдан то ҳозирги ку-  
нимизгача сақланиб кела-  
ётган «келин салом», «ёр-  
ёр», «алла айтиш» каби  
гўзал одатларини намойи-  
ш қилишади. Байрам  
кунлари ўтказиладиган  
кўрик-танловлар — «Ўзбек  
миллий таомлари пазан-  
даси», «Миллий кўшиқ ва  
рақс ижрочиси», «Оқила  
қиз», «Балли, қизлар!» мав-  
зуларида бўлиб, барча-  
барча учун қизиқарлидир.

Бола, аввало, ўзи туғи-  
либ-ўсган жой тарихини  
яши билиши шарт.  
Ўқитувчиларнинг назарий  
машғулотларига қўшимча  
равишда жойларга саёҳат  
уюштирмақдамиз. Ўқувчи  
кўзи билан кўрган нарса-  
дан таъсирланиб, шу  
тўғрида кўпроқ таассурот-  
га эга бўлади. Шу боис

қишлоғидаги Хазиний му-  
зейи ва бошқа ўтмиши-  
мизнинг ёрқин излари  
қолган қадамжоларга уюш-  
тирилаётган саёҳат асоси-  
да иншо, баён, диктант,  
рефератлар тайёрланди  
ва ўқувчилар билими ба-  
ҳоланди.

Тарбия жараёнида ўқув-  
чилар онгига ўзбекона урф-  
одатлар, қадриятлар, анъ-  
аналарни сингдириш энг  
бирламчи вазифа бўлиб  
қолаверади. Мақтабда  
тўғри ташкил қилинадиган  
хар қандай тадбир замири-  
да ўқувчини юксак маъна-  
виятли шахс қилиб вояга  
етказиш мақсади мужас-  
сам эканини унутмайлик.

Маъмуржон  
МИРАҲМЕДОВ,  
Учкўприк туманидаги  
20-мактаб директори

## Интизом — энг муҳим масала

### Taklif

Мақтабда онгли интизом  
ўрнатилишида ота-оналар кўми-  
таси, педагогика кенгаши ва  
бошқа жамоат ташкилотлари  
катта роль ўйнайди. Уларда ин-  
тизомни бузган ўқувчи билан  
алоҳида суҳбат ўтказилади.  
Шунда ҳам ўқувчи хатоларни  
такрорлайверса, уни қатъий  
интизомга чақириш чораларини  
излаш керак. Интизомсиз ўқув-  
чининг ота-онаси билан ҳам-  
корликда иш олиб бориши кўп  
ҳолларда ижобий самара бер-  
моқда.

Бола томонидан йўл қўйилган  
камчиликлар сабаби суришти-  
рилмасдан унга танбех бераве-  
риш, уйга берилган вазифалар-  
нинг бажарилмаслик сабабини  
аниқламасдан паст баҳо қўйиш

ўқувчини дарслардан безди-  
ришга ва интизомсизликка олиб  
келади.

Ўқитувчи болага нисбатан  
жуда меҳрибон, шунинг билан  
бирга талабчан ва адолатли  
бўлиши муҳим аҳамиятга эга.  
Унинг билим эгаллашга интили-  
ши, хулқидаги камчиликлар  
ўқитувчи томонидан айтиб бо-  
рилса, бу нуқсонлар ўз вақтида  
туғатилади.

Синф раҳбари журналга  
илова тариқасида ўқувчилар  
хулқини ҳисобга олиш учун  
қўшимча ҳужжат юритади. Унда  
хар бир бола учун алоҳида са-  
ҳифа очилиб, камчилик ва нуқ-  
сонлар ўқув йили бошидан охи-  
рига қадар белгилаб борилади.  
Ўқувчилар хулқини ҳисобга

олиш илова журнали ота-она-  
лар билан фарзанди тарбияси  
борасида алоҳида суҳбат учун  
асос бўлади.

Болага тарбия беришда бир  
қатор усуллардан: ўқитиш,  
панд-насихат, маслаҳат, ахлоқий  
мавзуда суҳбат, маъруза ҳамда  
мунозара кабилардан ўз ўрни-  
да самарали фойдаланиш му-  
ҳим роль ўйнайди. Шунингдек,  
илтимос, истак билан болалар-  
га муурожаат этиш уларнинг ру-  
ҳини қўтаради, ўзига бўлган  
ишончни оширади.

Муҳсин БОБОМУРОДОВ,  
Шаҳрисабз туманидаги  
13-мактаб ўқитувчиси,  
халқ таълими аълочиси



кўзларингиз ҳорғин кирдингиз.  
Сизни ким хафа қилганини бил-  
гим келди. Кейин билсам, сиз энг  
яқин инсонингиз — отангиздан ай-  
рилган экансиз... Сиздаги «устоз-  
лик» масъулиятига содиқлик, куч-  
ли иродани шундагина тўлиқ ҳис  
қилдим. Жудодик бошингизга  
тушган бўлса-да, дарсни хар до-  
имгидек босиқ ва вазмин ўтдин-  
гиз.

Дарсларингизни, мушоҳадага  
бой суҳбатларингизни соғиниб,  
янги ўқув йилининг илк куни қадр-  
дон мактабимга талпиндим. Сиз  
1-синф болақайлари даврасида-  
сиз. Унчалик ўзгармагансиз. Соч-  
ларингизда нуронийлик белгиси  
— оқ толалар. Қаддингиз озгина  
букилибди. Биламанки, сиз — бо-  
лаларга талпинувчан зотсиз, қал-  
бингизда эзгулик мужассам. Тала-  
гим, қалбингиздаги бу ёруғлик  
сира адо бўлмасин!

Севара МУСАЕВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

### Эл қудрати — чин қудрат, Ватан тупроғи қиммат!

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги 1-, 5-, 12-,  
14-, 15-мактаб ўқувчилари «Тарих-ўлкашунослик» тўғра-  
сида «Эл қудрати — чин қудрат, Ватан тупроғи қиммат!»  
шиори остида ўзлари туғилиб-ўсган шаҳар, қишлоқ, ма-  
ҳалла, кўчалар тарихини ўрганишга алоҳида аҳамият  
қаратмоқдалар. Тарихий жойлардан бири Лавантоғдир.

Ушбу қадимий гўшага оид маълумотлар вилоят ва ту-  
ман марказида ташкил этилган тарих ва ўлкашунослик му-  
зейларида сақланаётир. Қизилтепалик журналист Умид  
Сатторовнинг «Ўн  
машойих ҳикояти»  
деб номланган ри-  
соласида ҳам Ла-  
вантоғ ҳақидаги маълумотлар кўп.

### O'lkashunoslik

Тўғрак аъзолари тўплаган маълумотларда акс этиши-  
ча, бу ер милоддан аввалги II-I асрларда деҳқончилик,  
савдо-хунармандчилик билан шуғулланадиган аҳоли ман-  
зилгоҳи бўлган. Унинг тепалик шаклида сақланиб қоли-  
ши эса мустаҳкам девор билан ўраб олинган қалъа экан-  
нидан далолатдир. Бу ерда археологик қазилма ишлари-  
ни олиб борган тадқиқотчилар тепалиқдан қилич, ярим ой  
тамғали пичоқ, ҳайвон суяқлари, коса, кўза қолдиқлари-  
ни толган.

Лавантоғ тарихи бўйича тўплаган маълумотлар тўғ-  
рак аъзоларининг ҳеч бирини эътиборсиз қолдирмади.  
Х.Сафарова, О.Нарзиева, А.Нарзуллаева каби мураббий-  
лар тарихни ашъвий далиллар асосида ўрганишда ўқув-  
чиларга ҳамшиша елкадош. «Ўзи яшаётган жой тарихини  
чўқур ўрганган фарзанд аждодлари қолдирган меросдан  
андоза олади, шундай қудрат билан улғаяди», — дейди  
тумандаги 1-мактабнинг «Тарих-ўлкашунослик» тўғраги  
раҳбари Хуршида Сафарова.

Қизилтепа туманида бундай ёдгорликлар кўп. Уларни  
ўрганиш — ёш авлод зиммасида.

Ф.ФАЙЗИЕВА,

Навоий вилояти ПҚКТМОИ ўқитувчиси

## Оила — ахлоқ-одоб кўрғони

Оила ва оилавий муносабат-  
лар узок асрлардан буён жами-  
ятнинг энг илгор кишилари,  
олиму алломаларини қизиқти-  
риб келган. Шарқнинг буюк му-  
тафаккирлари бу борада ўз  
дурдона фикрларини айтиб  
ўтганларки, улар ҳозирги замон  
илм-фани учун ҳам катта ижти-  
моий, мафкуравий аҳамиятга  
эгадир.

Ўзбек романчилигида муста-  
ҳкам пойдевор яратган сеvim-  
ли ёзувчимиз А.Қодирийнинг  
ўлмас асари — «Ўткан кун-  
лар»да Отабек билан унинг ота-  
си Юсуфбек ҳожининг ўзаро  
мулоқотида, оилада айтилган  
гап, берилган ваъда, албатта, ўз  
тасдиғини топиши кераклиги  
ифодаланади.

«Биз ҳозир андишанинг  
бандаси, мен эмас, онанг би-  
ровни ишонтириб қўйган;  
бизнинг оиладан лафзсиз-  
лик чиқиши менга маъқул  
кўринмайди.» Отабек ота-  
онасининг бировга берган ваъ-  
даси ўзи учун қанчалик оғир ва  
мусибатли бўлмасин, уларнинг  
бошқалар олдида ноқулай  
аҳволда қолмасликлари учун  
ўзи суймаган, хохламаган қизга  
уйланишга розилик беради.

Асарда Зайнабнинг аразлаб  
кетганини эшитган Юсуфбек  
ҳожининг «Мен ҳозир бо-  
риб Зайнабни олиб келаман,  
бизнинг хонадондан биров-  
нинг норизо бўлиб кетиши  
мумкин эмас», деган сўзи ва  
Зайнабнинг Кумушга захар бер-  
ганини табибдан эшитиб, қал-

бидаги Зайнабга бўлган нафрат  
ва алами «Чик, Зайнаб чик,  
лаънат сендек хотинга!» деган  
сўзлар билан ифодаланиши ҳам  
унинг юксак маънавият соҳиби  
экидандалолат беради.

Агар ота-она оиладаги мод-  
дий ва маънавий бойликлар би-  
лан қувонса, фарзандлар ҳам уй-  
даги хар бир нарсага, ҳаётга  
масъулият билан қарашга одатла-  
надилар, ота-оналари ўз таниш-  
ларига, ўртоқларига меҳрли  
бўлсалар ва уларни ҳурмат қил-

### Ta'kid

салар, оиладаги болалар ҳам  
улар билан фахрланадилар ва  
эъозлашга интиладилар. Оила-  
да эркак кишининг хотинига ва  
фарзандларига доимо меҳр-шаф-  
қат кўрсатиши оиланинг тинч-то-  
тув яшашига, бахтли бўлишига  
замин яратади.

Оилада содир бўлаётган ай-  
рим ҳолатлардаги сир асрор-  
ларнинг сақланиши ҳақида ал-  
лома Ризоуддин ибн Фахруддин  
«Оила» асарида шундай дейди:  
«Уйда бўлган сир асрорлар  
беғоналарга ходиму ходима-  
лар орқали тарқалади. Улар  
сир сандиқларининг очкичла-  
ридир. Шунинг учун оилада  
бўлган яширин ҳоллар беғона-  
лардан ортиқ ходиму ходима-  
лардан яширилиши лозим».

Республикаимиз Президенти  
И.Каримовнинг «Юксак маънавият  
— енгилмас куч» асарида фар-  
зандлар тарбиясида оиланинг

ўрни ҳақида шундай фикрлар  
бор: «Оилавий тарбия маса-  
ласида хатога йўл қўймаслик  
учун, аввало, хар қайси хо-  
надондаги маънавий иқлим-  
ни ўзаро ҳурмат, ахлоқ-  
одоб, инсоний муносабатлар  
асосига қуриш аини муддао  
бўлур эди. Бу ҳақда гапир-  
ганда, мумтоз ёзувчимиз Аб-  
дулла Қодирийнинг «Ўтган  
кунлар» асаридаги қахра-  
монларнинг ўзаро муомала  
ва мулоқотлари, уларнинг  
ҳатто кичик фарзандларини  
ҳам «сиз»лаб гапирishi ми-  
солида ота-боболаримиз-  
нинг оила маънавиятига қан-  
чалик катта эътибор берга-  
нига ишонч ҳосил қиламиз».

Президентимиз таъкидлага-  
нидек, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор  
экан, оила ҳам бор. Оила бор  
экан, фарзанд деб аталмиш бе-  
баҳо неъмат ҳам бор. Фарзанд  
бор экан, одамзод ҳамшиша эзгу  
орзу ва интилишлар билан  
яшайди.

Х.КАРИМОВ,  
ҚарДУ маънавий-ахлоқий  
тарбия ишлари  
бўйича проректори,  
психология фанлари  
номзоди, доцент  
Курсия КҮЛДОШЕВА,  
Қашқадарё вилоят  
ХТБ методисти  
С.ОЧИЛОВ,  
Қашқадарё вилоят халқ  
таълими бошқармаси  
«Ахборот маркази»  
бошлиғи

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ана шундай байрам дастурларидан бири Чилонзор туманидаги 6-Болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Унда мактабнинг ўқувчи, ва ўқитувчилари, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва барча санъат ихлосмандлари иштирок этишди.

Яқинда таъмирдан чиққан, чиройли қилиб безатилган зал сахнасида ўқувчилар ўз истеъдод ва маҳоратларини ҳар қачонгидан бошқача, хурсандчилик ва ҳаяжон билан намоиш қилишди. Фарзандларининг шундай муҳташам ўқув масканида тажрибали ижодкор педагоглардан мусиқа ва санъат сирларини ўрганаётгани самарасини кўрган ота-оналарнинг юзида эса табассум, мамнунлик.

— Мактабимизда бугунги кунда 160 нафардан зиёд ўқувчиларга 30 нафар

педагог таълим бериб келмоқда, — дейди мактаб директори Қахрамон Раҳматов. — Бу йил капитал реконструкциядан чиқарилди. Болажонлар учун имкониятлар анча кенгайди. Улар жорий ўқув йилини хурсандчилик ва янгича шижоат билан бошлашди.

— 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, — деди ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Галина Ливиева, — янги бино, янги асбоблар билан ўқишни янги руҳда давом эттириётган болажонларга ўз ҳис-ҳаяжо-

ни, миннатдорлигини ифода этишлари ва том маънода раҳмат айтишлари учун имконият бериш ва улар орасида дўстлик, қадрдонлик ришталарини боғлашга замин яратишдир.

Тадбирда мактабдаги мавжуд 7 бўлимнинг барчасидан ўқувчилар кўшиқ, рақс, миллий ва эстрада чолғу асбоблари каби йўналишлар орқали ўз ижод намуналари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этишди.

— Авваллари хона торлиги ёки чолғу асбобларининг етишмаслиги каби муаммоларга кўп дуч келардик. Энди эса, санъат сирларини мукамал эгаллашимиз учун барча шароитлар яра-

тилди. Биз бундан илҳомланиб, янада янги ўқишга ҳаракат қиламиз, — деди дутор бўлимнинг 3-синф ўқувчиси Гулнора Саидвалиева.

Албатта, эътибор ва рағбатдан сув ичган ниҳол эртага тўкин-сочинлик билан мева беради. Замон талабларига мос равишда ўз фаолиятининг янги бир босқичини бошлаётган мусиқа ва санъат мактабларидан ҳам биз янги-янги истеъдод соҳиблари чиқишни кутиб қоламиз. Эслатиб ўтамиз, ҳисобот концертлари республикамизнинг барча ҳудудларида 8 декабрга қадар давом этади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

# МТМ ТАОМНОМАСИ

## У ҚАЙ ТАРТИБДА ТУЗИЛАДИ?

**Болалар саломатлигини сақлаш ҳар бир кишининг асосий вазифаларидан бири саналади. Бунда овқатланишни тўғри ташкил этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эндигина мактабгача таълим муассасасига қатнай бошлаган боланинг овқат рационини унинг улғайиши ва ривожланишини қай даражада таъминлай олапти? Мамлакатимиз МТМлари ошхоналарида тайёрланаётган овқатлар талаб даражасидами? Таомномаларни ким тузиши керак, бу борада мутахассислар етарли билимга эгами? Ушбу саволларга жавоб олиш истигидга Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази методисти Акмалжон МИРЗА-АХМЕДОВга мурожаат қилдик.**

— **Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг овқатланишини тўғри ташкил қилишда асосий масъулият кимнинг зиммасига юкланади?**

— Ҳар бир ота-она фарзандини мактабгача таълим муассасаларига олиб келишда уларнинг жисмоний ва ақлий соғлом бўлиб улғайишини мақсад қилади. Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, боланинг бу ёшида муассаса ошхонаси рационидagi таомлар ушбу мақсаднинг қай даражада амалга ошаётганлигини белгилайди. Болалар овқатланишини тўғри ташкил этиш орқали ўсиб келаётган болалар саломатлигини сақлаш, уларнинг ривожланишини намунали таъминлаш кўзда тутилади. Асосий озиқ моддалар, яъни оқсил, ёғ ва углеводлар овқат таркибида бир-бирига тўғри нисбатда бўлгандагина овқатланиш тўғри ташкилланган ҳисобланади. Ана шу моддалар овқат таркибида етарли ва зарур миқдорда бўлганда организмнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда биологик бирикмаларга бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилади.

Болалар овқатланишининг тўғри йўлга қўйилиши шифокор ва ҳамшираларнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, улар таомномага киритилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг энергетик қиймати ва таркибининг хилма-хиллигига бевосита масъул шахслар ҳисобланади. Улар кунлик ва ҳафталик таомномаларнинг тахминий режасини тузади ва ошпазлар шу асосида болалар учун овқатлар тайёрлайди.

Шифокор ёки ҳамшира болалар овқати учун зарурий бўлган технологияни яхши билиши шарт. Унга кўра, овқат тайёрлаш технологияси ва тиббий меъёрлар бир-бирига муво-

фиқ келиши талаб этилади. Таомномага киритилаётган таомлар махсус рецептлар асосида кўрсатилиши ёки белгиланган ҳолда тузилиши, шунингдек, шу тартибда тавсия этилаётган таомнома болалар учун белгиланган тиббий меъёрларга мос келса, уларнинг саломатлиги таъминланади. 1 нафар бола учун белгиланган 1 кунлик озиқ-овқат маҳсулоти миқдори камайса ёки кўпайиб кетса, тиббий меъёр бузилади. Овқат тайёрлаш технологияси қатъий тартиб асосида олиб борилиши керак. Масалан, чой дамлаш технологияси — бу жараён оддий кўрингани билан ўзига хос мураккаб-ликларга эга. Овқат тайёрлаш технологияси ҳам худди шундай. Шу боис бир болага бир кунлик таом меъёрининг ҳам тиббий, ҳам технологик меъёрини аниқлаш ҳамшира(айрим ҳолларда шифокор)га катта масъулият юклайди.

— **Кунлик ва ҳафталик таомномалар ҳақида гапирдингиз. Улар қандай тартибда тузилади ва бунинг аҳамияти нималарда ўз аксини топади?**

— Мактабгача таълим муассасаларининг йўналишига қараб таомномалар 5-6 ёки 7-10 кун учун тузилади. Таомномаларнинг олдиндан тузилганлигининг қулайлиги шундаки, сарфланиши зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг олдиндан ҳисобланиши ва муассасага ўз вақтида етказиб берилиши таъминланади. Ҳафталик таомномани тузишда муассаса раҳбари, бош ҳисобчи, омбор мудир, бош ошпаз ва ҳамшира иштирок этади. Бош ҳисобчи керакли идоралар билан шартнома тузилишини ташкил этади, омбор мудир эса муассаса захирасидаги маҳсулотлар ҳақида маълумот

беради. Ҳамшира шунга қараб таомнома рўйхатини тузади ва бош ошпазга тақдим этади. Муассаса раҳбари бу жараённи назоратга олади.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг овқатланиш рационига кунлик меъёрларда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари киритилиши муҳим. Чунки бу маҳсулотлар орқали бола организми асосий озиқ моддалар билан таъминланиб турса, у ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлади, айниқса, унинг юқумли касалликларга қаршилик кўрсатиши ҳамда жисмоний ва ақлий иш қобилияти ортиб боради. Зеро, бунда боланинг ёшига қараб унинг озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилади. Шу нуқтаи назардан таомномадаги маҳсулотларнинг кимёвий таркиби ва калорияси алоҳида эътиборга эга. Таомнома икки нусхада тузилиб, муассаса раҳбари ва ҳамшира томонидан тасдиқланган ҳолда ошпазларга берилади.

Мактабгача таълим муассасаларида ҳафталик таомномалар

### Dolzarb mavzu

билан ишлашнинг бир қатор афзалликлари бор. Жумладан, тарбияланувчиларнинг витаминлар, минерал модда ва калорияга бой озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминланиш даражаси яхшиланади. Шунингдек, ушбу таомнома овқатланишни ташкил этиш бўйича билим ва тажрибага эга бўлган мутахассис томонидан тузилганда овқат тайёрлаш технологияси ҳамда санитария-гиена қоидаларига амал қилиниши таъминланади. Бундан ташқари, шаҳар, туман халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларининг барчасида бир хил таомлар тайёрланади ва бу билан худуддаги барча тарбияланувчиларнинг овқатланиш даражаси яхшиланшига эришилади.

— **Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг овқатланишига доир қандай меъёрий ҳужжатлар юритилади?**

— Таомномалар халқ таълими бўлими мудир ва бош ҳисобчиси томонидан имзоланиб, муҳрланиб, рўйхатдан ўтказилади. Таомномани тузув-

чи масъул шахслар учун эслатмалар ҳар бир МТМда илган бўлиши керак. Унда кунлик таомномаларнинг тиббий меъёрларга асосланган ҳолда тўғри тузилиши, бир кишилик овқат ҳажми, бир бола учун кунлик сарфланган маҳсулот миқдорининг боғча ва ясли гуруҳлари учун алоҳида белгиланиши, таомларнинг хилма-хиллигига эътибор қаратиш, таомномада озиқ-овқат маҳсулотларини тўлиқ кўрсатиш лозим. Бундан ташқари омбор дафтари бўлиб, у тикилган, саҳифаланган, муассаса раҳбари томонидан имзоланган бўлиши шарт. Унда ҳар бир маҳсулот учун алоҳида варақ очилади, кирим-чиким қилиниб, қолдиқлар кўрсатилади. Бракераж дафтарида овқатларнинг сифати, мазаси, кунлик синамалар олинганлиги ҳамда овқатнинг истеъмолга тарқатилишига руҳсат берилганлиги ҳақидаги маълумотлар белгиланган тартибда ёзиб борилади. У хом ва тайёр маҳсулотлар учун алоҳида юритилади. Меъёрий ҳужжат сифатида яна сифати тез бузилувчи маҳсулотларни қайд этиш дафтари юритилади. Бу дафтарда сифати тез бузилувчи маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилган ва қабул қилиб олинган санаси ҳамда охириги сақланиш муддати белгиланади. Шунингдек, олган ҳолда олиб келинган ва сўнгги сақланиш муддатлари сана ва соат бўйича қайд этилади.

— **Болалар учун қандай озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш қатъий тартибда тақиқланади?**

— Болалар овқатланиш рационини тузишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Уларнинг организми таъсирчан бўлиб, бир бола касалланса, иккинчисига тез юқиши мумкин. Шунингдек олган ҳолда, биринчи навбатда, юқумли касалликлар келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида болалар овқати учун хавфсизлиги ва сифатини кафолатловчи ҳужжати бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва хомашёлар; сақланиш муддати туғана ва сифатсиз кўринишда бўлган маҳсулотлар; ветеринария кўригидан ўтмаган барча турдаги гўшт маҳсулотлари, жумладан, мол, балиқ, парранда гўшти; ёввойи ҳайвонлар гўшти; сувда сузувчи паррандалар гўшти ва тухуми; ёрилган, оққан, пўчоги ифлослан-

ган, шунингдек, уй ҳўжаликларида олинган тухум; шишиб қолган, герметик беркитилишида камчилиги бўлган, ёрликсиз ҳамда қопқоғида занг пайдо бўлган консерва банкаларидаги маҳсулотлар; ҳар хил аралашмалар билан ифлосланган, омбор зараркундаларидан зарарланган ёрма, ун, қуруқ мева ва бошқа маҳсулотлар; ташқи кўринишида моғор, чирик бўлган сабзавот ва мевалар; крем ва кремли қандолат маҳсулотлари (пирожний, торт); гўшт маҳсулотидан тайёрланган рулет ҳамда ливер колбасалар; пастеризация қилинмаган сўтдан тайёрланган творог, флягали творог ва сметана; кўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, кўзиқорин бўлғони ҳамда концентрат; иссиқлик ишлови берилмаган салқин ичимликлар (морс, квас ва бошқалар); окрошка ва совутилган шўрвалар; макарон (гўшт қиймаси билан), макарон билан майдаланган тухум; бир томонла чала қовурилган тухум; гўшти ва творогли блинчиклардан фойдаланиш ва муассасага қабул қилиб олиш тақиқланади.

— **МТМларда болалар овқатланишини тўғри ташкил этиш ва таомномалар тузиш борасида марказ томонидан қандай амалий кўрсатмалар берилмоқда?**

— Ноябрь ойида мактабгача таълим муассасалари ҳамшира ва ошпазлари учун 3 кунлик ўқув-семинари ташкил этдик. Унга пойтахтимизнинг ҳар бир туманидан 4 нафардан ҳамшира ва 4 нафардан ошпаз таклиф қилинди. Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология назорат маркази ва Тошкент кимё технология институтидан келган мутахассислар билан ҳамкорликда мактабгача таълим муассасаларида соғлом овқатлантиришни ташкил этишнинг асосий усуллари, овқат рационини шакллантириш (7 ёки 11 кунлик тахминий таомнома тузиш), таомнома тақсимотини шакллантириш, озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибий қисмини аниқлаш, овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан юритиладиган ҳужжатлар билан ишлаш (таомнома, бракераж ва сифати тез бузилувчи маҳсулотларни қайд этиш дафтари ва бошқалар), озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланишнинг олдини олиш ва технологияси, озиқ-овқат қўшимчалари, уларнинг салбий оқибатлари ва олдини олиш каби масалалар бўйича дарслар ташкил этдик. Улар бу ердан олган билимларини ўз туманларидаги барча мактабгача таълим муассасалари ҳамшира ва ошпазларига етказдилар. Нурота туманида ўтказган семинар ҳам кичкинтойлар овқатланишини тўғри ташкил этиш мавзусига қаратилди.

Башорат ОТАЖОНОВА  
суҳбатлашди.

**Maqsad:**

**1. Ta'limiy maqsad:**

a) tarbiyalanuvchilarning huquqiy ongini o'stirish;

b) ular ongiga jamiyatda qonun ustuvorligini o'rnatish va shu orqali farovon hayot barpo etish mumkin, degan tushunchani singdirish; davlat, xalq kelajagi Konstitutsiyaga bog'liqligini anglatish.

**2. Tarbiyaviy maqsad:**

tarbiyalanuvchilar qalbida qonunga hurmat, yurtga sadoqat tuyg'usini tarbiyalash.

**3. Rivojlantiruvchi maqsad:**

a) tarbiyalanuvchilarda mustaqil fikrni shakllantirish;

b) o'z haq-huquqlarini tanishga undash.

**4. Dars jihozlari:**

Davlatimiz ramzlari, mavzuga oid rasmlar, Prezident asarlari "O'zbekiston Respublikasi Qonunlari" kitobi, flip, marker, referat, albom va bukletlar.

**5. Mashg'ulot turi:**

Noan'anaviy va guruhlar bilan ishlash.

**6. Yangi pedagogik texnologiya usuli:**

"Aralash" va "Aqliy hujum".

**7. Mashg'ulotning borishi:**

a) tashkiliy qism — salomlashish, yo'qlama;

b) O'zbekiston Respublikasi Davlat Madhiyasini kuylash.

**Tarbiyachi qisqacha ma'lumot berib o'tadi:**

— Rivojlangan mamlakatlar o'z Asosiy qonuni — Konstitutsiyasiga ega. O'zbekiston Respublikasi ham o'z Qomusini qabul qilganiga bu yil 18 yil to'ladi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti imzolagan qonunga

muvofiq, Konstitutsiya qabul qilingan kun — 8-dekabr dam olish kuni, umumxalq bayrami deb belgilangan. Bolalar, quyidagi jadvalda Bosh Qonunimizga berilishi mumkin bo'lgan ta'rif aks ettirilgan. Uni daftaringizga chizib oling. (*Chizma qarang.*)

Bolalarning mavzular bo'yicha qanday bilimga ega ekanligini aniqlash uchun "Mustaqillik", "Ozodlik", "Huquq", "Burch", "Baxt-saodat", "Adolat", "Vijdon", "Fuqaro", "Qonun" kabi so'zlar yozilgan tarqatma materiallar beriladi.

Ushbu so'zlarni bolalar tarbiyachi oldindan tayyorlab qo'ygan jadvalda berilgan gaplardagi nuqtalar o'rniga qo'yib chiqadilar.

1. .... - bировга qaram bo'lmas-

6. Siz ham O'zbekiston ... siz! (fuqarosi).

7. Konstitut-siyada inson ... haqidagi orzu-umidlar aks etadi. (baxt-saodati).

8. Adolatparvarlik... amri. (vijdon). So'ngra bolalar guruhlariga bo'linadi. "Ozodlik" va "Adolat" guruhlarini bellashuvi boshlanadi.

Topshiriq mazmuniga ko'ra, 1-guruh Konstitutsiya moddalaridan namunalar aytadi, 2-guruh ushbu moddalar mazmunini ifoda etuvchi she'rlar aytishi lozim.

**"Ozodlik" guruhi:** — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 1-moddasida «O'zbekiston — suveren demokratik Respublika. Davlatning

kasining davlat tili — o'zbek tili" deb qayd qilingan.

**"Adolat" guruhi:**

— Qonga kirgan sut bilan, O'zbek tilim, o'z tilim. Ardoqlayman yurt bilan, O'zbek tilim, o'z tilim.

(Guruhlar o'rin almashadilar. «Adolat» guruhi Konstitutsiya moddalaridan, «Ozodlik» guruhi a'zolari esa o'sha moddaga mos tushadigan she'rlardan aytadi.)

Tarbiyachi ikkala guruh a'zolarini maxsus tayyorlangan kartochkalar bilan rag'batlantiradi.

**Mavzuni mustahkamlash uchun savollar:**

— Vatanimizga munosib farzand bo'lish uchun sizlardan nima talab qilinadi?

**Javob:**

— Bilim egallashga intilish.  
— Tartib va intizomni saqlash.  
— Maktab mulkini asrab-avaylash.  
— Vatanga munosib farzand bo'lish.

**Tarbiyachi:** — Biz Konstitutsiyani «Asosiy qonun» deb ataymiz. Nima uchun?

**Bolalar:** — Unda bizning har bir xatti-harakatimiz tartibga solinib, barcha huquq va burchlarimiz qonuniy kafolatlangan.

**Tarbiyachi:** — Asosiy qonunimizda nechta modda bor?

**Tarbiyalanuvchilar galma-galdan:** — Unda 128ta modda bor.

— 6ta bo'limni o'z ichiga oladi.  
— Moddalar 26 bobga jamlangan.

**Tarbiyachi:** — Sizlar Mehrbonlik uyida, maktabda, o'quv markazlarida, turli davolash muassasalarida ta'lim-tarbiya olayapsizlar, oromgohlarda, dam olish maskanlarida hordiq chiqaryapsizlar. Bundan tashqari, siz uchun turli to'garaklar xizmatda. Bu yerda bolajonlar o'z qobiliyat va iste'dodlarini rivojlantirmoqdalar. Yoshlarni jismonan va sog'lom qilib tarbiyalashda, ularning huquq va burchlarini kafolatlashda Bosh Qomusimizning ahamiyatini to'liq anglab yetishingiz kerak. Bugungi ochiq tarbiyaviy mashg'ulotimiz ana shu maqsadda uyushtirilganini anglab yetishingiz lozim.

**Lola QAMBAROVA,**  
Yunusobod tumanidagi  
21-Mehribonlik uyi  
tarbiyachisi

**MAVZU: KONSTITUTSIYA — BIZNING ASOSIY QONUNIMIZ**

**Mehribonlik uylari tarbiyalanuvchilari bilan olib boriladigan ochiq tarbiyaviy mashg'ulot**

lik. (mustaqillik).

2. .... - ni biz mustaqillik deb ataymiz. (ozodlik).

3. .... - Qomusimizning bosh g'oyasi. (Adolat).

4. Unda inson ... va ... lari belgilab qo'yilgan. (huquq, burch).

5. Konstitutsiya ... lar bilan himoya qilinadi. (qonun).

"O'zbekiston Respublikasi" va "O'zbekiston" degan nomlari bir ma'noni anglatadi" deyilgan.

**"Adolat" guruhi:**

— Bir kam dunyo butundir butun, Yuraklardan yechilar tugun. Ko'ngillar shod, chehralar gulgun, Mustaqillik Oллоh ne'mati. Yasha, yuksak, O'zbek Davlati.


**"Ozodlik" guruhi:**

— O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 5-moddasida «O'zbekiston Respublikasi qonun bilan tasdiqlangan o'z davlat ramzlari, bayrog'i, gerbi va madhiyasiga ega» deyiladi.

**"Adolat" guruhi:**

— Ko'kda hilpirar mag'rur, O'zbekiston bayrog'i. Dillarga solar g'urur, O'zbekiston bayrog'i.

**"Ozodlik" guruhi:** — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida "O'zbekiston Respubli-




**БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ**

«Конституция — бахтимиз пойдевори» шиори остидаги кўрик-танлов ўқувчилар ўртасида диктант, иншо, баён, тасвирий санъат, буклет, деворий газета, видеоролик, ўқитувчилар ўртасида «Энг яхши дарс ва тадбир ишланмаси» каби йўналишларда ўтказилмоқда. Кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичига 100 нафардан ортиқ ўқувчи ҳамда 40 нафар ўқитувчининг ижодий ишлари туман халқ таълими бўлимлари томонидан тақдим этилди. Ушбу ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Методика маркази томонидан Юнусобод туманидаги 17-мактабда танловнинг ушбу босқичида ғолиб топилган ижодий ишлар муаллифларини эълон қилиш ва тақдирлаш маросими ташкил қилинди. Тадбирда Халқ таълими ва Адлия вазирликлари ходимлари, барча туман халқ таълими бўлимларининг тарих-ҳуқуқ, миллий ғоя туркумига қирувчи фанлар методистлари, илғор ўқитувчилар, «Ёш педагоглар мактаби» лидерлари ва ўқувчилар иштирок этди.

— Айтиш жоизки, шаҳар умумтаълим мактабларида Асосий Қонунимизнинг 18 йиллигига бағишлаб «Қомусимиз — бахтимиз», «Баркамол авлод тарбиясида ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» мавзуларида очик дарслар, «Заковат» интеллектуал ринг ўйини, «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида байрам тадбирлари ўтказиб келинмоқда ва уларда ўқувчилар билан биргаликда ота-оналар ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди ТШХТББ Методика маркази методисти Замира Азимбоева. — Бу эса нафақат ёшлар-



нинг, балки катталарнинг ҳам ҳуқуқий билимларини ошириш имконини бермоқда.

— Танловда қатнашиш мен учун нафақат билимларимни яна бир бор синовдан ўтказиш, балки Бosh Қомусимизнинг мазмун-моҳиятини пухта ўрганиш, унинг инсонпарварлик, демократик ва адолатпарварлик тамойилларини қалбдан ҳис қилиш имконини берди, — дейди танловнинг иншо йўналиши бўйича ғолибаси, Шайхонтоҳур туманидаги 20-мактаб ўқувчиси Феруза Ҳожиева.

Тадбир сўнгида кўрик-танлов ғолибларига эсдалик совғалари ва республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

**Дилшод КАРИМОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири  
**Б.РИЗОКУЛОВ** олган суратлар.

# КУТУБХОНАЧИ ХОДИМЛАРНИНГ МЕТОДБИРЛАШМАЛАРИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ШАКЛИ СИФАТИДА

Китобхоналарга кутубхоначилар ва ахборот-библиография хизмати кўрсатишни амалга ошириш, уларнинг китобхоналик сўровлари, эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ахборот олиш маданиятини ошириш, мактаб ахборот-ресурс марказларининг ўқувчиларда янги тафаккурни шакллантириш юзасидан олиб борадиган тарбиявий ишларини такомиллаштириш, улар фаолиятини бошқа тизим ва идораларга қарашли кутубхоналар, ахборот-ресурс марказлари билан мувофиқлаштириш – бугун мактаб кутубхоначи ходимлари олдида турган асосий вазифалардир.

Туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари ахборот-ресурс марказларида методик хизмат туман, шаҳар миқёсида мактаб кутубхоначиларининг касбий маҳоратини ривожлантириш ва оширишга хизмат қилади. Бунга эса **умумтаълим муассасалари кутубхоначиларининг доимий ҳаракатдаги метод бирлашмалари** иштини ташкил қилиш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Умумтаълим муассасалари кутубхоначиларининг методик бирлашмалари иштини ташкил этишда қуйидаги йўналишлар эътиборга олиниши лозим:

- мактаб кутубхоначиларининг интеллектуал ва ижодий имкониятларини туман ёки шаҳарнинг ягона ахборот маконига бирлаштириш;
- ахборот-ресурс марказ фаолиятини ташкил этишга янги бошқарув ва методик ёндашувларни жорий этиш, иш жараёнига истиқболли моделларни олиб кириш;
- мактаб ахборот-ресурс марказлари фаолиятига доир масалалар бўйича меъёрий-қонунчилик ва конструктив-методик ҳужжатларни, шунингдек, етакчи методик марказларнинг тавсияларини ўрганиш ва жорий этиш;
- илгор кутубхоначилар иш тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва омаллаштириш, кутубхоначиларга, айниқса, ёш мутахассисларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;
- мактаб ўқувчиларининг китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга мақсадда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- мактабнинг бош ахборот таълим маконидagi шахс — мактаб кутуб-

хоначисининг имижини кўтариш, кутубхонанинг таълимдаги роли ва аҳамиятини ошириш.

Ҳозирги босқичда методик бирлашмалар иши доирасида «Кичик ёшдаги ўқувчиларда китобхоналик қўлайлиқ»

— Сизнингча, улардан қайсилари кам самарали ҳисобланади?

— Қайсилари ҳақида маърузадан билиб олишни истаган бўлардингиз...

## Pedagogik tavsiya

Йўналишларига бўлган инновацион ёндашувлар», «Кутубхоначи касбининг янги жиҳатлари» ва бошқа мавзуларда амалий семинарлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

«Стендли маъруза» илгор кутубхоначилик иш тажрибасининг омаллашув шаклларида бири бўлиши мумкин. Кутубхона ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва оширишга хизмат қилади.

«Стендли маъруза» илгор кутубхоначилик иш тажрибасининг омаллашув шаклларида бири бўлиши мумкин. Кутубхона ўқувчиларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва оширишга хизмат қилади.

Бунга эса **умумтаълим муассасалари кутубхоначиларининг доимий ҳаракатдаги метод бирлашмалари** иштини ташкил қилиш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

Умумтаълим муассасалари кутубхоначиларининг методик бирлашмалари иштини ташкил этишда қуйидаги йўналишлар эътиборга олиниши лозим:

- мактаб кутубхоначиларининг интеллектуал ва ижодий имкониятларини туман ёки шаҳарнинг ягона ахборот маконига бирлаштириш;
- ахборот-ресурс марказ фаолиятини ташкил этишга янги бошқарув ва методик ёндашувларни жорий этиш, иш жараёнига истиқболли моделларни олиб кириш;
- мактаб ахборот-ресурс марказлари фаолиятига доир масалалар бўйича меъёрий-қонунчилик ва конструктив-методик ҳужжатларни, шунингдек, етакчи методик марказларнинг тавсияларини ўрганиш ва жорий этиш;
- илгор кутубхоначилар иш тажрибаларини аниқлаш, ўрганиш ва омаллаштириш, кутубхоначиларга, айниқса, ёш мутахассисларга маслаҳат ёрдамини кўрсатиш;
- мактаб ўқувчиларининг китоб ўқиш маданиятини шакллантиришга мақсадда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
- мактабнинг бош ахборот таълим маконидagi шахс — мактаб кутуб-

хоначисининг имижини кўтариш, кутубхонанинг таълимдаги роли ва аҳамиятини ошириш.

Ҳозирги босқичда методик бирлашмалар иши доирасида «Кичик ёшдаги ўқувчиларда китобхоналик қўлайлиқ»

— Сизнингча, улардан қайсилари кам самарали ҳисобланади?

— Қайсилари ҳақида маърузадан билиб олишни истаган бўлардингиз...

Методбирлашма машгулотлари ойига 1-2 марта ўтказилади. Касбий ишчанлик, ахлоқий фазилатларни такомиллаштиришдан ташқари, машгулотларни ўтказиш чоғида тингловчиларда ижодий фикрлашни ривожлантириш, олинган билимларни амалиётга жорий этиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

Умумтаълим муассасалари кутубхоначи ходимларини ўқитишда кириш ва чиқиш сўровномаларини ўтказиш фойдалидир. Бу ўқув машгулотлари самардорлигини кузатиб бо-

риш имконини беради. Сўровномада қуйидаги мазмундаги саволлар бўлиши мумкин:

- Сиз китобхоналар билан иш олиб боришда қандай шакл ва методларни қўлайлиқ?
- Сизнингча, улардан қайсилари кам самарали ҳисобланади?
- Қайсилари ҳақида маърузадан билиб олишни истаган бўлардингиз...

Чиқиш назорати сўровномасидаги саволлар:

- Маърузани тинглагандан сўнг китобхоналар билан олиб борадиган иш амалиётининг нима ларини янгидан жорий этасиз...
- Сизнингча, қайси оммавий тадбирлар китобхоналар кўпроқ иштирок этади?

Фаол ўқитиш шакли методларини қўллаш кутубхоначи ходимларнинг касбий маҳоратини оширишда, уларни ижодий жараёнининг фаол иштирокчиларига айлантиради. Масалан, «Методик фестивал» — янги методик гоё ва топилмаларни жорий этишга қаратилган иш тажрибасини қўллаш мумкин бўлган иш шаклидир. Фестивалда кутубхоначилар энг яхши тажрибалари билан танишдилар, муаммоларни вазиятларда ўзларини туттишга ўрганидилар. Фестивал чоғида методик топилма ва гоёларнинг айланма кўргазма-панорамаси ишлаб туриши керак.

Методик-педагогик аппарат (МПА) улардан бири бўлиб, реферат, ижодий ҳисобот, кўчирма, чиқиш, сценарий каби ахборотнинг ноанъанавий ташувчиларини ифода этувчи материаллар мажмуасидир.

Ҳар бир мактаб материалларнинг катта базасига эга. Одатда, бундай материал методика хонасида сақланади. МПАни барпо этишдан кўзланган мақсад — ушбу материалларни тизимга солиш, ҳар бир китобхонанинг фойдаланишига эришишдир.

МПАга қуйидаги таркибий қисмлар кириши мумкин:

- жамоа учун ахборот хизмати;
- педагогик кенгашлар материаллари;
- илмий-амалий анжуманлар, семинар-практикумлар материаллари;

— ўқитувчининг ижодий лабораторияси;

— тарбиячининг ижодий лабораторияси;

— мактаб тарихи материаллари;

— педагогик ўқишлар материаллари;

— ўқув йили мобайнида янги келиб тушган адабиётлар картотекаси.

МПА ҳужжатларини кутубхоначилик иши амалиётда кенг қўллаш мумкин. Педагог ходимлар

## Умумтаълим муассасалари кутубхоначи ходимлари туман, шаҳар методбирлашмаларининг тахминий йиллик иш режаси

№	Машгулот номи	Машгулотни ўтказиш шакли	Масъул	Ўтказиш мuddати
1.	Умумтаълим муассасалари кутубхоначи фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш	Слайд-лекция	Туман ХТБнинг кутубхона фонди бўйича методисти	Сентябрь
2.	Умумтаълим муассасалари кутубхоначи иштини ташкил этиш бўйича методик хизмат кўрсатиш	Методик маслаҳат	Туман АРМ методисти	Сентябрь
3.	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг йиллик иш режасини тузиш методикаси:	Методик маслаҳат	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг мудири	Октябрь
4.	Мактабда ягона таълим маконини вужудга келтиришда мактаб кутубхонасининг роли	Тренинг	Умумтаълим муассасалари кутубхоначи ходимлари. Методбирлашма аъзолари	Октябрь
5.	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг йиллик иш режасини тузиш методикаси:	Семинар-практикум	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг таянч кутубхонаси	Ноябрь
6.	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг йиллик иш режасини тузиш методикаси:	Мастер-класс	Умумтаълим муассасалари кутубхонасининг мудири	Декабрь
7.	Кутубхона фонднинг сақланиши:	Методик маслаҳат	Туман АРМ методисти	Декабрь
8.	Адабиётларга техник ишлов бериш. Адабиётларга техник ишлов беришнинг асосий амалиётлари:	Семинар-практикум	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Январь
9.	Электрон ташувчилардаги ҳужжатларга техник ва илмий ишлов бериш	Методик маслаҳат	Туман АРМ методисти	Январь
10.	Кутубхона каталоглари. Каталогларнинг аҳамияти, уларнинг турлари:	Слайд-лекция	Вилоят АРМнинг адабиётларга илмий ишлов бериш бўлими мудири	Февраль
11.	Электрон каталог китобхоналарга уларнинг ахборотга бўлган сўровларини тезкор ва тўлиқ қондириш йўли билан хизмат кўрсатиш сифатини ошириш усули сифатида.	Танштирув слайд-лекция	Туман АРМ методисти	Февраль

ушун мўлжалланган китоб кўргазмаларида, МПА ҳужжатларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Методбирлашма иши доирасида ташкил этиладиган китоб кўргазмалари, библиографик кўрсаткичлар, методик ишланмалар кўргазмалари, шаҳар ва туман миқёсидаги танловлар кутубхоначилар учун «Маҳорат мактаби»га айланади. Кутубхоначилар танловларда иштирок этиб, ўз профессионал маҳоратини

ва библиографик хизмат кўрсатиш сифатини оширади, кутубхонанинг ахборот муҳитини кенгайтиради.

Доимий ҳаракатдаги методбирлашмалар иштини ташкил этишни такомиллаштириш мақсадида Халқ таълими вазирлиги Республика илмий-педагогика кутубхонаси умумтаълим муассасалари ахборот-ресурс маркази ходимлари учун тахминий йиллик иш режасини тақдим этади.

— фарқли индивидуал библиографик ахборот бериш: янги нашрлар ҳақида китобхоналарга мунтазам равишда хабар бериб туриш, библиографик рўйхатлар тузиш;

— гуруҳли ахборот бериш: адабиётларнинг мавзуй кўргазмаларини ташкил этиш, материалларни мавзуй танлаш (мавзуй папкалар), библиографик шарҳлар ўтказиш, адабиётларнинг тавсиявий рўйхатларини тузиш;

— ахборот беришнинг оммавий шакллари: Ахборот кунлари, Мутахассис кунларини ўтказиш.

12.	Китобхоналарга библиографик ахборот беришнинг асосий шакллари:	Лекция-баҳс	Вилоят АРМнинг илмий библиография бўлими мудири	Март
13.	Ўқувчиларнинг ахборотни мустақил равишда аниқлаш ва ундан фойдаланиш, керакли ахборотни турли нашрлар (китоблар, даврий нашрлар, қомуслар ва бошқалардан) мустақил равишда излаб топиш имконини берувчи билим, кўникма ва малакаларни эгаллаштириш.	Кутубхоначининг маҳорат мактаби	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Апрель
14.	«Мактаб кутубхонаси ўқувчилар ижодий қобилиятларини ривожлантириш маркази сифатида»	Методик фестивал янги методик гоёлар ва топилмаларни жорий этиш асоси сифатида	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Апрель
15.	Болада китобга ва мутолагага ҳавас уйғотиш, шахсни ижодий сафарбар этиш орқали унда мутолага маданиятини тарбиялаш.	Методик маслаҳат	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Май
16.	«Ёғи китоб ўқиш мактаби» — китобхоналик ривожлантириш усуллари. «Ёш кутубхоначи». «Қизиқишга қараб адабий-ижодий клублар» тўғрақларини тузиш ва ишларини ташкил этиш.	Тренинг	Умумтаълим муассасалари кутубхоначи ходимлари. Методбирлашма аъзолари	Май
17.	Китобхоналарга кутубхона хизмати кўрсатишни таъминловчи иш шакллари ва методлари:	Семинар-практикум	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Июнь
18.	Педагоглар касбий маҳорати ўсишини ахборот билан қўшиб олиб бериш:	Слайд-лекция	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Июнь
19.	Янги кутубхоначилик хизматларини ўзлаштириш, уларнинг турларини кенгайтириш кутубхоначиликда янгиликларни қўллашнинг асоси сифатида.	Слайд-лекция	Туман АРМ методисти	Июль
20.	Мактаб кутубхонасида китобни реклама қилиш шакллари ва унинг ўзига хос хусусиятлари	Мастер-класс	Умумтаълим муассасаларининг таянч кутубхонаси	Июль
21.	Оилавий китоб ўқиш аъёнларини боланинг китобга қизиқишларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш орқали шакллантириш	Тренинг	Умумтаълим муассасалари кутубхоначи ходимлари. Методбирлашма аъзолари	Июль
22.	«Ўзбекистон: кеча, бугун, эртага» мавзусидаги китоблар иллюстратив кўргазмаси	Китоб-иллюстратив кўргазмаси	Вилоят АРМнинг хизмат кўрсатиш бўлими мудири	Август

РИПК илмий-методик бўлими

Кутубхона миллатнинг маданий-маърифий шаҳодатномаси, миллий тараққиёт кўзгуси, муқаддас илм даргоҳидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига биноан Бухоро вилоят болалар кутубхонаси негизда ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Ушбу қарор фан, таълим ва маданиятнинг юксалишида асосий ахборот манбаи бўлган кутубхоналар фаолиятини тубдан ўзгартиришга замин яратди.

Қарор ва ижро

ва аъёнларга ҳурмат руҳини шакллантириб, уларни китоб мутолага қилишга, ахборотлардан оқилона ва умумли фойдаланишга ундаш учун марказимизда барча имкониятлар мавжуд.

Китобхоналар қизиқишини ўрганиб, фойдаланувчиларга керакли ахборотларни йиғиш мақсадида Бухоро давлат университетини педагогик жамоаси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Университет профессор-ўқитувчилари илмий ишларининг электрон нусхалари марказимизга тақдим эти-

аҳолининг барча қатламларига ахборот ресурслари фондидан эркин фойдаланиш имкониятини яратган. Марказда фойдаланувчиларга компьютер, факс, ксерокс хизматлари ташкил этилган. Замонавий технологиялар воситасида фойдаланувчиларга ахборотни излаш ва топиш усулларини ўргатиш бўйича «Компьютер саводхонлиги» ўқув дарслари мунтазам олиб борилаётди. Медиатекадаги тарбиявий аҳамиятга эга бўлган электрон китоблардан фойдаланган ҳолда оммавий

# АРМ ЁШЛАРНИ КИТОБГА ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Эндиликда кутубхона вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфига ўтказилди ва барча умумтаълим мактаблари қошидаги зиё масканлари иштини мувофиқлаштириб бормоқда. Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфига 1та вилоят, 12та шаҳар ва туман, 55та мактаб АРМ, 519та таълим муассасалари кутубхоналари мавжуд. Улар ўқитувчи ва ўқувчиларга, талабаларга ҳамда аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишда.

Ҳозирги кунда АРМ фондида 110061 нусхадан ортиқ адабиёт, шунингдек, 109 номдаги газета ва журнал бўлиб, улар 6000дан зиёд китобхона ихтиёрига топширилган. Барча соҳаларга оид бадиий адабиётлар, илмий-оммабоп нашрлар, болалар учун илмий-усулбий ва библиографик ишлар ҳам АРМда ўз ўрнини топан. Марказда 15та компьютер, 2та принтер, 1та нусха кўчириш аппарати бўлиб, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатиш сифати яхшилашиб бормоқда. Янги тарғиботини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада методик маслаҳатлар берилади.

Бундай тажрибани ўзлаштириб бораётган Когон туманидаги 11-мактаб қошидаги ахборот-ресурс маркази

лази. Мазкур ишлар юзасидан китобхоналарнинг фикр ва мулоҳазалари давра суҳбатларида, мунозара кечаларида муҳокама этилади. Бу китобхоналар сонининг ошишига ёрдам бermoқда.

Марказимиз ўз иш фаолияти давомида умумий ўрта таълим муассасаси ходимларига, мактаб ўқитувчилари ва ўқувчиларга замонавий ахборотларни етказиш хизматини амалга оширмоқда. Ташкилий-методик фаолият биринчи ўринда туради. Шаҳар, туман, мактаб АРМлари иш фаолиятини яхшилаш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, китобхоналар қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда таълимий дастурни қўллаб-қувватловчи ахборотлар йиғиш, уни таҳлил этиб фойдаланувчи тақдим этиш йўллари тўғрисида методик-библиографик қўлланмалар, семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Методика бўлими қошида очилган ёш мутахассис мактабининг ўқув машгулотларида кутубхона ахборотлаштириш, яъни электрон дарсликлар фондига яратиш, интернетга улашиб, ахборотлар манбаини тўлдириш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан ҳамкорликда китоб тарғиботини йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилиб, бу борада методик маслаҳатлар берилади.

Барча шаҳар, туман АРМнинг асосий вазифаси замонавий воситалар ёрдамида аҳолини, айниқса, ёшларни китобга яқинлаштириш, уларнинг ахборот, билим олишга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Шундай экан, бу йўлда барча имкониятларимизни ишга солашим.

Ҳ.МУХТОРОВА, Бухоро вилоят АРМ директори

# ХУҚУҚ ВА БУРЧ УЙЎНЛИГИ

Мамлакатимизда мухтарам Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол шахслар этиб вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

2010 йилда "Баркамол авлод йили" Давлат дастурига асосан бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва кучга кирди. Хусусан, "Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ёшларга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаб бергани билан аҳамиятлидир.

Миллий кадрятлар ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий нормалар уйғунлашган мазкур қонуннинг мазмуни-моҳияти, унинг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни, ота-оналар ва таълим муассасаларига юкланидиган вазифалар хусусида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими, юридик фанлар номзодаи Нодир МУХТОРОВ билан суҳбатлашдик.

— Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу Қону. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар ичида биринчи бўлиб қабул қилинди. Халқимизда фарзанд тарбияси, камолоти эзгу кадрят сифатида баҳоланади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай аъзолар боқийлигининг қонун билан тартибга солиниши ва мустаҳкамлаши бу борадаги масъулиятни янада оширади.

Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаб, бартараф этиш мақсадида қабул қилинган ушбу қонунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда уларни ҳуқуқий меъёрларга риоя этиш руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу йўналишдаги профилактикага доир фаолиятнинг асосий вазифалари ва принциплари, ушбу фаолиятни ахборот билан таъминлаш, профилактика ишларида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки аниқ ва тушунарли қилиб белгиланди. Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимига қирадиган органлар ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, фаолиятининг асосий принциплари ва йўналишлари, шунингдек, ваколатлари аниқ белгилаб қўйилди.

— Мазкур қонуннинг шу пайтгача мавжуд ушбу йўналишдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фарқли жиҳатлари нимада ва у вояга етмаганларнинг ота-оналарига қандай вазифаларни юклайди?

— Бунга қадар вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, улар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид муносабатлар ҳукуматнинг айрим қарорлари, турли ҳужжатлар ва айрим қонунларнинг нормалари билан тартибга солинган эди. Бу эса қонун ҳужжатларида айрим нормаларнинг тақдорлини, профилактикага оид муносабатларнинг турлича бўлишига олиб келар ва натижада мавжуд муаммоларни ҳал этиши керак бўлган тегишли органларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ҳамда самарали ишлаш имконини чеклар эди. Янги қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонун бошқа қонунларга зид келмай, шу типдаги бир қатор қонун-қoidalarnи ягона ҳужжат сифатида ўзиде умумлаштирди.

Ҳар бир ота-она ва қонуний равишда васийлик қилувчилар болаларга ҳар томонлама ғам-хўрлик қилиш учун жавобгардирлар. Мазкур қонун ҳам уларнинг фарзандлар тарбияси ва келажак

тақдири борасидаги масъулиятларини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, қонуннинг 7-моддасига кўра, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини моддий таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлигининг муҳофазаси қилиниши, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси учун жавобгар ҳисобланади. Шу боис, улар таълим муассасаларида ўқиётган вояга етмаганларнинг ўқиш вақтида ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда бўлишига, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилишига, чекишига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради.

Шу ўринда тахлилий маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, охириги уч йилда 1000 нафардан ортқ ота-она болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятларини бажаришдан бош тортаётганлиги учун ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, 13359 нафар ота-онага нисбатан маъмурий жазо чоралари қўрилган ёки алгоғолли ичимликлар, наркотик моддаларни суистеъмол қилиши оқибатида боланинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган 1017 нафар ота-онанинг муомала лаёқати чекланган.

Қонуннинг 8—17-моддаларида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириши қатъий белгиланди. Бу орган ҳамда муассасалар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширишда амалий тажрибага эга ва самарали фаолият юритмоқда. Охириги уч йил ичида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар таълим, ижтимоий таъминот, ички ишлар органлари билан ҳамкорликда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган 20 мингга яқин болани тегишли муассасаларга жойлаштирган. Вояга етмаганларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, болалар ўртасида назоратсизлик ва тиланчилик, уларнинг таълим муассасаларини ташлаб кетиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир

этиши ҳоллари ҳамон учраб турибди.

— Фарзандларимиз 4-5 соат вақтини мактаб ва бошқа таълим муассасаларида ўтказишди. Демак, бундай муассасаларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. Шундай экан, мазкур қонунда вояга етмаганларнинг ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигининг олдини олиш бўйича таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасаларига маълум бир вазифалар белгиланганми?

— Қонуннинг 13-моддасида айнан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи муассаса сифатида таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари ваколатлари белгиланган. Унга кўра, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари вояга етмаганларда қонунга итоаткор-

## Қонун ва фуқаро

лик ҳулқ-атворини шакллантиришга, уларга ахлоқ ва соғлом турмуш тарзи асосларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқади ва амалиётга жорий этади. Машгулотларга эзрили сабабларсиз келмаётган ёхуд мунтазам равишда қатнашмаётган вояга етмаганлар аниқлашиб, назоратга олинади. Уларнинг умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълим олишига доир чора-тадбирлар қўрилади. Ривожланишида ёки ҳулқ-атворида нуқсон бўлган вояга етмаганларни аниқлайдиган, уларни комплекс текширувдан ўтказадиган ҳамда келгусидаги таъминоти, тарбияси ва таълим шакллари белгилаш бўйича тавсиялар тайёрлайдиган психологик-тиббий-педагогик комиссиялар тузилади. Яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этиш, таълим муассасаларида оммабоп спорт секциялари, техник ва бошқа тўғрақлар, клублар ташкил этилиши, вояга етмаганларни уларга қатнашишга жалб этиш ҳам таълимни бошқариш органлари зиммасига юклатилади.

Шунингдек, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда бошқа таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларни аниқлайди ҳамда ушбу оилаларга ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида ёрдам кўрсатади.

Бундан ташқари, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида вояга етмаганларнинг ота-онаси вафот этган, уларнинг ота-оналари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилган ёхуд чекланган, муомалага лаёқатсиз деб топилган, касал бўлган ёки узоқ муддат бўлмаган, болаларини тарбиялашдан ёки уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан бўйин товлаган ҳолларда, шу жумладан, ўз болаларини таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш муассасаларидан ва бошқа муассасалардан олишдан бош тортган тақдирда, шунингдек, болалар ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда уларни таъминлаш, тарбиялаш, таълим бериш ва мустақил ҳаётга тайёрлаш учун қабул қилади; кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг вояга етмаган болаларини, фақат отаси ёки онаси бор бўлган вояга етмаганларни ушбу оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир

йилдан ортқ бўлмаган муддатга таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш учун қабул қилади; мазкур муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди; яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боришда иштирок этади.

Қонуннинг 5-моддасида белгиланган "...оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш" асосий принциpidан келиб чиқиб, айнан таълим муассасалари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар, шунингдек, маданият ва спорт муассасалари, туризм соҳасидаги ташкилотларнинг ҳамда оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг иштирокида вояга етмаганларнинг қаровсизлиги, назоратсизлиги, улар томонидан турли даражадаги ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ишларини ташкил этадилар.

— Ушбу қонун ва унинг ижроси, тарғиботи бўйича таълим муассасаларида, маҳаллаларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар хусусида нима дея оласиз?

— Вояга етмаган ўғил-қизларнинг юриш-туриши, турмуш тарзи ҳар доим ота-оналар, маҳалла-қўй, таълим муассасалари педагогларининг ҳамкорлигида назорати остида бўлиши керак.

Қонуннинг ижросини ҳамда тарғиботини ташкил этиш учун биринчидан, таълимни бошқариш органлари даражасида унинг мазмуни-моҳиятини, аниққиса, унда бевосита таълим муассасаларига берилган ваколатларни ўзлаштириш учун семинар-тренинглари ташкил этиш, иккинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиш, учинчидан, таълим муассасаларининг ўзиде бевосита вояга етмаганлар иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш мақсадида мувофиқдир.

Шу билан бирга, ушбу қонун мазмуни-моҳиятини маҳаллаларда фаоллар ва педагоглар, ҳуқуқшунослар иштирокида кенг тарғиб қилиш, фуқаролар йиғинлари раислари бошчилигида мазкур қонуннинг ўзига хос жиҳатлари тизимли равишда ҳар бир оилага тушунтирилиши фойдадан холи бўлмайди.

— Мехрибонлик уйларида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик бўйича профилактик тадбирлар қай тартибда амалга оширилади?

— Қонуннинг "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки" деб номланувчи 7-моддасида ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиги муҳофазаси қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида бир қатор чораларни кўриши санаб ўтилган. Айтиш мумкинки, мазкур чора-тадбирларнинг нафақат ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан, балки Мехрибонлик уйлари томонидан ҳам амалга оширилиши мажбурийдир. Чунки 2008 йилнинг 17 октябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Мехрибонлик уйлари тўғрисида"ги Низомнинг 4-бандига му-

вофиқ Мехрибонлик уйлари зиммасига етим болалар ва ота-онасининг қаровсиз қолган болаларни тарбиялаш, камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш вазифаси юклатилган.

— Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қай тартибда амалга оширилади?

— Мазкур қонуннинг 10, 12-моддаларига кўра, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Унга кўра ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари ўз ваколатлари доирасида: уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг шахсини аниқлаш, ҳаёти, соғлигини муҳофазаси қилиш ёки улар томонидан тақдоран ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларни кеча-кундуз қабул қилишни ҳамда вақтинча сақлашни таъминлайди; олиб келинган вояга етмаганлар билан яқка тартибдаги профилактика ишини олиб боради, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлигига, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлайди ҳамда бу ҳақда тегишли давлат органларини ва бошқа ташкилотларни хабардор қилади; вояга етмаганларни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига олиб боради, шунингдек, ушбу муассасаларда сақланаётган вояга етмаганларни жойлаштириш бўйича бошқа чора-тадбирларни амалга оширади. Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин. Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш учун суднинг ажрими асос бўлади. 2009 йилда 12051 нафар ўсмир ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштирилган.

Болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ўсмирлар орасидаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик органларининг ёш авлод тарбиясидаги масъулиятини ошириш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар вояга етмаганлар орасида криминоген вазиятни анча яхшилаш имконини бермоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши биринчидан, вояга етмаганларни баркамол қилиб ўстиришга, улар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга, болалар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Иккинчидан, бу вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига масъул орган ва муассасаларнинг ўз вазифаларини амалга оширишдаги масъулиятини кучайтириб, девиянт ҳулқ-атвор эгасини эрта аниқлаш ҳамда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини таъминлайди. Зеро, Президентимиз давлатимиз Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган маърузасида айтганидек, "...барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахтусаодати, фаровон келажagini кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи туради..."

"Ma'rifat" мухбири Дилшод КАРИМОВ суҳбатлашди.

Talabalar festivali — 2010



Қадимий ва навқирон Бухоро заминиди Ўзбекистон “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида талабалар фестивали ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг 70дан зиёд олий

ўқув юртидан ташриф буюрган 500 нафар талаба иштирок этди.

Дастлабки кунда “Соғлом турмуш тарзи — ёшларни уйғун қамол топтириш гарови” акцияси ўтказилди. Иштирокчиларнинг 300 нафари қадимий Арқ қалъасидан Бухоро маданият марказигача бўлган 3,5 километрлик масофада ўтказилган югуриш марафониди ўзаро куч синашишди.

Мусобақада йигитлар ўртасида пойтахт терма жамоаси аъзоси — Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси Жавлон Ишжанов, қизлар ўртасида эса Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаси Қамола Қаримова ғолибликни қўлга киритди. Уларга эсдалик совғалари топширилди.

Иккинчи кунни вилоят Амфитеатр биносиди фести-

# «ДЎСТАЛИК, ҲАМКОРЛИК, ИЖОДКОРЛИК — МАҚСАДИМИЗ!»

валнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг иштирокчилар Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида “Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда иштирок этишди. Анжуманда талабалар ўз илмий изланишлари, кичик ижодий ишлари билан қатнашди.

Навбатдаги кунда ёшлар турли спорт ўйинларида иштирок этди. Шунингдек, кўҳна ва қадимий Бухоро меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари бўйлаб саёҳатлар уюштирилди. Шу кунни талабалар «Бухоро грант» меҳмонхонасида анъанавий “Заковат” телеўйинида ўзаро куч синашди. Мастер-класслар ҳамда “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танловлари ҳам талабаларга кўтаринкилик ба-

ғишлади. Сўнгги кунда Бухоро давлат университетида “Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тўрт кун давом этган мазкур фестивалда талабалар ўзаро фикр алмашди. Таъкидлаш жоизки, бу келгусидаги илмий-ижодий ишларида ўз самарасини беради. Мазкур конференцияда қилинган маърузалар, албатта, ҳақиқий илмий ишларга айланиб, давр ва инсоният муаммоларини ечишга хизмат қилиши шубҳасиз. Зеро, фестиваль мақсади ёш олимларнинг интилиши, изланиш ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, илм-фан соҳасидаги ютуқларини рағбатлантириш, ижтимоий-сиёсий фаолликларини оширишга ҳам қаратилган.

(Давоми 16-бетда.)

Таълим тизимига ҳужжатларнинг электрон айланишини татбиқ этиш, бунда маълумотлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази томонидан “JOB FLOW CONTROL” (JFC) — ҳужжатларни назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими тажриба-синовдан ўтказилди ва барча таълим бошқаруви органларига ўрнатилди. Эндиликда бошқарув органлари ўртасида ҳужжатлар алмашинуви сифати, тезлиги ва хавфсизлиги таъминланиб, қоғоз сотиб олиш, ҳужжатларни ташиш ва сақлаш учун сарфланган ишчи кучи ҳамда маблағлар бирмунча тежаллади. Бундан ташқари, таълим жараёни ҳамда бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан унумли фойдаланиш бўйича ҳам бир қатор инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқилган бўлиб, бошқарув бошқичи амалиётга татбиқ этилмоқда.

Бир қатор дастур ҳамда лойиҳалар ичида таълим масканларининг “ZiyoNet” таълим портали тармоғига уланишини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Умумтаълим мактабларини “ZiyoNet” тармоғига улаш режа-жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ бугунги кунгача зарур жиҳозлар билан таъминланган 8320та мактаб ушбу имкониятга эга бўлди. 2010 йил охирига қадар барча умумтаълим мактабларининг “ZiyoNet” тармоғига уланиши белгиланган. Моддий-техник жиҳозлар билан таъминланган таълим муассасалари ва бошқарув органлари мутахассислари олдида турган навбатдаги муҳим масала эса

## ТАЪЛИМ ВА БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР


улардан унумли фойдаланган ҳолда таълим сифати ва мазмунини юксалтиришдир. Шу мақсадда жойларда тегишли режа асосида махсус семинарлар, учрашув ва амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида «Таълим ва бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» мавзусида бўлиб ўтган семинарда ана шу масалалар кенг муҳокама қилинди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳри ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг масъул ходимлари, худудий педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг информатика фани ўқитувчилари ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари иштирок этди. Семинар-тренинг давомида иштирокчилар таълим ва бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолати, “ZiyoNet” тармоғига уланиш, мавжуд компьютер техникаларига хизмат кўрсатиш масалаларига эътибор қаратдилар. Шунингдек, таълим муассасалари ва бошқарув органлари ўртасида ўзаро ахборот алмашинувида хизмат қилувчи корпоратив тармоқни

ташқил этиш, “ZiyoNet” таълим портали зарур манбалар билан бойитиш ҳамда ундан фойдаланишда юзага келаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш сингари масалалар диққат марказида бўлди.

Семинарнинг иккинчи қисмида иштирокчиларнинг олган назарий билимларини бевосита амалиётга татбиқ этишлари учун машғулотлар ташқил этилди. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг компьютер базасида қатнашчилар локал ва “ZiyoNet” тармоғига уланиш, улардан самарали фойдаланиш, сервис хизматлар кўрсатиш сингари техник-амалий машғулотларни бажариб, ўз билим ва тажрибаларини янада мустаҳкамладилар.

Санжар РУСТАМОВ,  
“Ma'rifat” муҳбири  
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ  
олган суратлар.



Вақт — бебаҳо неъмат. Уни бежиз оқар сувга, эсиб ўтган шамолга, бир неча дақиқа мавжуд бўладиган камалакка менгзашмайди. Чунки у сувдай шиддат-ла оқиб кетади, шамолдай жиловсиз, тутиб бўлмайди, камалакдай гўзал, уни йўқотишни ҳеч ким хохламайди. Вақтнинг бу каби хусусиятлари ва унинг охири пайтларда аниқланаётган баъзи хоссалари чиндан-да ҳайратли. Бу тўғридаги қуйидаги фактлар физика ва фалсафа фанида қизиқарли манба вазифасини ўташи мумкин.

## 86400 ДОНА «ТИЛЛА ТАНГА»

Ушбу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Айниқса, вақт ҳақида, унинг қадри, баҳоси тўғрисида гап кетганда ҳар гал ёдимга тушаверади. Ушанда олий ўқув юртининг биринчи босқич талабасимиз. «Замонавий омавий ахборот воситалари тили» фанидан устозимиз битта топшириқ берганди. Вазифа бир қарашда жуда оддийга ўхшарди. Унга кўра, бизга ҳар куни 86400 дона тилла танга берилади ва биз бу маблағни нима-ларга сарфлашимиз ҳақида иншо ёзишимиз керак эди. Битта шарт: тилла тангалар ўша куннинг ўзида сарфлаб бўлиниши зарур. Акс ҳолда, улар ярқисиз ҳолга келиб, кулга айланади. Тангаларни қайтариб олишнинг эса иложи йўқ. Аввалига шунча бойликни нима қилиш мумкинлиги тўғрисида бош қотира бошладим. Сўнгра саволнинг тагидаги илмоқни пайқагандай бўлдим. Миямда саволлар ғужғон ўйнай бошлади. Нега айнан 86400 дона тилла ва нима учун эртага улар куйиб кетади? Эртага қайтариб олиб бўлмайдиган нима бор? Бу вақт. Ушбу фикр ҳаёлимга келган замона ҳисоблай бошладим: бир кунда 24 соат, 1440 дақиқа ва ниҳоят... 86400 сония бор. Тилла топиб олгандай хурсанд бўлиб кетдим.

Эртасига ҳамма курсдошларим тиллаларни нимага сарфлаши тўғрисида иншо ёзиб боришганида, мен бир кунлик ишларимнинг баённи қозғога туширдим. Йўлга қанча вақт кетиши, неча соат ухлашим-у, дарс қилишга кетадиган вақтимни сонияларда ҳисоблаб, шулар ҳақида иншо ёздим. Чиройли бўлсин деб тагига вақтнинг баҳоси юқорилиги тўғрисида шеър ҳам ёзиб

Борган сари шиддаткор ўтаётган замонда, хусусан, бугунги кунда ҳам кўпчилигининг энг зарур ишларига вақти етмаётгани, уни тежай олмаётгани тўғрисидаги гаплар қулоғимизга чалинади. Зеро, ёши катта нуронийларимиз ҳам «Вақтинг кетди — бахтинг кетди» дея билиб гапиришади. Эҳтимол шу сабаб ҳозирда

# ВАҚТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

қўйдим. Ушанда «беш» олгандим.

## КОНУНИЯТЛАРДАН ТАДҚИКОТЛАРГА

Олтиндан-да юксак таърифларга лойиқ вақт Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қуйидагича таърифланган: «Материянинг асосий яшаш шаклларида бири ёки табиатдаги бирор даврий ҳодисага, масалан, Ернинг ўз ўқи атрофида айланадиган даврига нисбатан ҳисобланадиган ўлчов бирлиги».

Қадимдан вақтни тўғри ўлчаш мақсадида одамлар Ернинг ўз ўқи атрофида, Ойнинг Ер ва Ернинг Куйёш атрофида айланиш даврларини асос қилиб олган. Вақтнинг турли кичик бирликларини аниқлаш мақсадида соатлар (куёш, кум ва сув соатлари) ўйлаб топилган. Бугунги кунда эса вақтнинг жуда кичик ўлчамларини ҳам белгиловчи электрон «вақт ўлчагичлари» мавжуд. Қолаверса, ҳатто сониядан ҳам кичик лаҳзаларни ўлчовчи бирликлар бор. «Википедиа» электрон манбасида берилишича, терция, милли-, микро-, нано-, пико-, фемто-, атто-, зепто-, йокто- сониялар мавжуд. Масалан, зептосония ядро реакциялари содир бўлиш вақтини аниқлашда қўл келса, йоктосония энг содда, беқарор зарраларнинг пайдо бўлиш ва парчаланиш муддатини аниқлашда қўлланилади.


вақтни тежаш, ундан тўғри фойдаланиш борасида хилма-хил қоидалар кашф қилинмоқда. Масалан, иқтисодда вақтни тежаш қонуни мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб бориш, меҳнатни, иш вақтини тежаш, шунингдек, иш пайтида вақт омилнинг қадрланишида намоён бўлади.

Бугунги кунда айрим олимлар вақтни бир жойда тўхтатиб қолиш борасида ҳам тадқиқотлар олиб бораётганига нима дейсиз?

## ВАҚТНИ ТЎХТАТИШ МУМКИНИ?

indigo-planet.ru сайтида берилган маълумотларга қараганда, айни кунда баъзи олимлар вақтни тўхтатиш мумкин, деб ҳисоблаётди. Масалан, Техасдаги Бэйлор тиббиёт коллежи тадқиқотчилари экстримал (энг юқори ёки энг паст кўрсаткичи) вақт ҳолатларида инсон атрофидаги дунёни секинлашган ҳолатда идрок қилади, қисқача айтганда, унинг вақти тўхтади, деган қарашни ўртага ташлади. Бу фаразни исботлаш мақсадида тадқиқот раҳбари, нейробиология ва психиатрия фанлари профессори Дэвид Иглман ҳамкасблари билан биргаликда тадқиқотда иштирок этувчи кўнгилчилар гуруҳини тўплади. Тажрибада улардан 50 метр юқоридан пастга чалқанчасига сакраш талаб этилди. Албатта, улар жиддий шикаст етказмайдиган махсус жойга сакраши белгиланган эди. Шунга қарамадан, даставвал қатнашувчилар кўнглидаги кучли ҳадик уларни сакрашдан бироз тўхтатди. Шунда ушбу жараёнда уларнинг ҳаётига хавф солувчи ҳеч нарса йўқлигини кўрсатиш мақсадида тадқиқот раҳбари Дэвид Иглманнинг ўзи биринчи бўлиб тепадан сакраб кўрсатди.

Шундан кейин тажриба иштирокчилари белгиланган жойдан сакрай бошлади. Қизиқарлиси, кейинчалик сўровлар пайтида тажриба иштирокчилари сакраш жараёнида реал вақтга қара-



ганда анча узоқ муддат учганликларини ҳис қилганини билдиришди. Уларнинг учдан бир қисми эса ҳатто бошқаларига қараганда узоқроқ муддат ҳавода муаллақ қолганига ишонди.

— Ҳақиқатан ҳам, фавкулдда ҳолатларда вақт чегараси ўзгаради. Масалан, бу ҳолат самолётдан сакраган пайтдан то парашют очилгунга қадар айниқса кўпроқ сезилади, — дейди Минскдаги бошловчи парашютчилар мактаби инструктори Иван Самарин. — Кўпинча биринчи марта сакраётганда вақт жуда секин ўтаётгандек туюлади. Аслида эса бу вақт кўз очиб юмгунча ўтиб кетади. Кўп марта самолётдан сакраганларда эса юқоридан бир қадам босиб ерга тушгандай тасаввур ҳосил бўлади.

Таъкидлаш зарурки, тажриба натижасида фавкулдда ҳолатларда инсон атрофмуҳитда кечадиган жараённи секинлашган ҳолатда идрок этиш имконига эга экан.

— Ҳаддан зиёд кўп ва янги ахборотларни қабул қилган ҳолатларда ана шундай жараён юз беради. Бунинг натижасида вақт секин ўтаётгандай таассурот уйғонади, — дея изоҳ беради АҚШдаги Психотерапия ва клиник психология институти психотерапевти Оксана Дерен. — Бу пайтда организмнинг бутун системаси жуда катта куч билан ишлайди. Фаол ҳаракатга келган мушак ва асаб фаолияти имкониятлари кенгайди, яъни, одам одатдагидан анча тез фикрлайди.

Шу билан бирга, мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳаёт учун хавфли ҳолатларда миянинг амигдал деб аталувчи қисми фаоллашади. Оқибатда, ноодатий воқеаларнинг бошқаларга қараганда хотирада теранроқ ва чуқурроқ жой олиши кузатилади. Шунинг учун бундай пайтларда бизга вақт ўтиши бугунги ўлчамларга нисбатан узоқроқ кечгандай туюлади. Бошқача айтганда, жараёнда кам вақтда мия кўп нарсага улгуради. Аниқланишича, миянинг бу қисми ўсмирлар ва болаларда яхши ишлайди.

indigo-planet.ru сайтида берилган маълумотларга қараганда, болалар учун бир кун йилдай туюлади, чунки улар учун куннинг ҳар бир дақиқаси янги ахборотлар билан тўла. Ёши катта одам учун атрофдаги олам ҳаммаси таниш, демак, вақт тез ўтади.

Дэвид Иглман миянинг қай вақтда унумли ишлашини аниқлаш мақсадида ҳам тадқиқот ўтказди. Тажриба иштирокчиларига «телефон — телефон — пиёла — телефон» суратлари тез-тез намойиш қилинди ва барча суратларнинг экранда кўрсатилиши вақтини аниқлаш сўралди. Натижа эса қутилмаган бўлди: тасвирларнинг ҳаммаси бир хил вақт мобайнида акс этганига қарамай, синовда қатнашганлар пиёла экранда кўпроқ фурсат намоён бўлганини маълум қилдилар. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчилар янги, қутилмаган ахборот инсоннинг маълумотни қабул қилишдаги субъектив вақтини «чўзади», бошқача айтганда, унинг муддати давомийроқдай кечишини таъминлайди, деган хулосани тақдим этишди.

## ЭНГ ДОНО ИНСОН...

Биз юқорида тилга олган сўнги тадқиқотлар ҳам яна бир бор вақт қай ўлчамда бўлмасин бебаҳо эканини, уни ҳар қандай ҳолатда ҳам орқага қайтариб бўлмаслиги ҳақидаги ҳақиқатни яна бир қарра тасдиқлаганини алоҳида эътироф этиш зарур. Зеро, Данте Алигьери «Донишманд ким?», деган саволга «Энг доно инсон — ҳаммасидан ҳам вақтини йўқотаётганига кўпроқ ачинадиган одам» деганида нақадар ҳақ бўлган.

Дарҳақиқат, умр суронли, шиддаткор. Унинг ҳар бир дақиқасини эзгуликка буркаш ўзимизнинг қўлимизда. Бунинг учун, аввало, вақтни тўғри тақсимлаш зарур. Ҳар кун аввалида режалар тузиш ва кечкурун унинг бажарилган ёки бажарилмаганини текшириш эса ундан тўғри фойдаланишнинг оддий ва самарали усулидир.

Санобар ЖУМАНОВА



## 450 МИНГ ЙИЛ АВВАЛГИ КЎЧИШ


Абердин шотланд университети (Буюк Британия) олимлари Ўрта денгизда яшовчи оқ акулалар генини таҳлил қилиш орқали қутилмаган хулосаларни тақдим қилишди. Мазкур оламшумул тадқиқот тўғрисида олимлар «Proceedings of the Royal Society B» журналида маълум қилган.

Бунгача биологлар оқ акулалар Ўрта денгизда доимий яшамайди, улар Гибралтар бўғози орқали Анлантика океанидан ушбу ҳудудга келиб қолади, деб ҳисоблашар эди. Таҳлил натижасида сайёрамиздаги энг йирик йиртқич балиқлар Тинч океанидан бу ерга 450 минг йил олдин кўчиб келишгани ва ҳозиргача доимий яшаши маълум бўлди. Хризул Губил Губил таъкидлаганидаги тадқиқотчилар

лаларнинг қариндошлари ҳали ҳам Тинч океанида истиқомат қилишни таъкидлашади.

Тадқиқот жараёнида биологлар Ўрта денгиз ва бошқа ҳудуд акулалари ДНК таҳлилини солиштиришган. Натижаларга кўра, Тинч океанининг шарқий ҳудудидаги акулалар билан Ўрта денгиздаги йиртқичлар кўп жиҳатдан ўхшаш кетар экан.

Яна шуни таъкидлаш керакки, оқ акулалар сайёрамиздаги энг катта йиртқич сув жонзотларидир. Уларнинг максимал узунлиги 8-9 метр, ўртачаси эса 4-7 метрни ташкил қилади.




## ГИПЕРТОНИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

АҚШ Юрак касалликлари ассоциацияси томонидан тузнинг инсон соғлиғига таъсирини ўрганишга доир тажриба ўтказилди. Newsroom.heart.org сайтида берилган маълумотларга қараганда, ўсмир ёшда овқатланишда тuz миқдорини камайтириш, кексайганда қон босими, юрак касалликлари ва юрак хуружи каби нохушликларнинг олдини олиши мумкин экан. Бу ҳақида жорий йилда ўтказилган илмий сессияда хабар қилинган.

Бир неча йиллар давомида олиб борилган тажриба жараёнида ўсмирлардан иборат икки гуруҳ таълаб олинган эди. Биринчи гуруҳдаги иштирокчилар ҳар куни таомлар таркибида 3 грамм тuz қабул қилишган. Иккинчи гуруҳ ўсмирлари эса одатдагидай ҳар куни 9 грамм (3,800 миллиграмм натрия), баъзи ҳолатларда ундан ҳам кўп миқдорда тuz истеъмол қилишди. Бугунга келиб биринчи гуруҳдаги ўсмирлар соғлиғида бир қатор ижобий ҳолатлар кузатилди. Яъни, улар 35-50 ёшга тўлганда, деярли 63 фоизда гипертония (артерияда қон босимининг ошиб кетиши) хасталиги кузатилмагани аниқланди.

— Овқатдаги тuz миқдорини камайтириш, нафақат гипертония хавфидан қутулишга имкон туғдиради, — деди тадқиқот раҳбари, Калифорния университетининг тиббиёт ва эпидемиология фанлари профессори Кристина Биббинс-Доминго, — балки, таом борасидаги хоҳишларни шакллантиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.


Шунингдек, тузни кам истеъмол қилиш 50 ёшда ҳам юрак касалликларининг 7-12 фоизга, жумладан, инфаркт (бирор органнинг маълум қисмига қон етарли миқдорда келмаслиги натижасида шу жойдаги тўқималарнинг нобуд бўлиши) келиб чиқишини 8-14, юрак хуружи эҳтимолини 5-8 фоизга қисқартиради. Эътиборлиси, инсон организмга тузнинг асосий қисми, ҳар хил тузламалар билан эмас, овқат ва нон маҳсулотлари орқали йиғилиши аниқланди. Маслаҳат ўрнида шуни айтиб ўтиш мумкинки, мутахассислар кунига 1,500 миллиграмм натрия қабул қилишни меъриий ҳолат, деб ҳисоблашади.



GlobalScience.ru

## АТРОФ-МУХИТГА ЗАРАРСИЗ

Мотоцикл ишлаб чиқарувчи «Kobra» компанияси яна бир янги маҳсулотни тақдим қилди. Ушбу транспорт воситасида олдинги техникаларда учрамаган бир қатор хусусиятлар жамланган.



Бу универсал электрод транспорт ҳар хил шароит ва йўлларга мослаша олади. Унинг конструкциясидаги асосий ўзига хослик ишлаш техникаси (тизимини) тезлик билан ўзгартира олишидир. Internovosti.ru сайтида берилган маълумотларга қараганда, айна пайтда автомобиль билан бир қаторда велосипед ва мотоциклларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Янги кўринишдаги мазкур мотоциклдан дам олиш ва саёҳат вақтида, шунингдек, спорт мусобақаларида фойдаланиш мумкин. Яна бир қизиқ томони, мотоцикл ўз «суворий»сига мослашади, яъни, ҳаракатланиш чоғида унинг бўйи ва вазнидаги мутаносиблик ҳисобга олинган. Ишлаб чиқарувчилар унинг экологик зарарсиз бўлишига катта эътибор қаратишган.



## ДИНОЗАВР ЭМБРИОНИ ТОПИЛДИ

Канадалик палеонтологлар фанга маълум бўлган қадимий динозавр эмбриони қолдиқларини топишганлиги ҳақида «Компьюлента» хабар берди. Куруқликда яшовчи бу умуртқали динозавр эмбриони 190 миллион йил олдинги юра даври (мезозой эрасининг иккинчи даври)га тааллуқлидир. Жанубий Африкадан топилган тухумни Миссиссауги университети (Канада) профессори Роберт Рейс Торонто ва унинг ҳамкасблари ўрганиб чиқишди. Мазкур эмбрион энг узун бўйинли ва катта думли прозаврлар оиласига кирувчи массопондиллар турига тегишли.

— Протозаврлар мослашувчан бўлган, — таъкидлайди изланишларга раҳбарлик қилаётган Роберт Рейс. — Шунинг учун улар кенг тарқалган. Қолдиқлари кўпроқ топилгани боис, биологлар томонидан яхшироқ ўрганилган турдир.

Эмбрион етарли даражада яхши сақланганлиги скелетни тўла ўрганиш, унинг анатомиясини тафтиш қилиш имконини беради. Изланишлар динозаврча тухумни энди ёриб чиқиш арафасида бўлгани хусусида хулосалар беради. Шу

боис, у энди тухумдан чиққан динозаврларни яхшироқ ўрганиш, уларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнига оид керакли маълумотлар олишга асос беради.

Маълум бўлишича, шу тур динозаврлари дастлаб тўрт оёқда «эмаклаган», бусиз мувозанатни сақлаб, бошини катта тутиб юролмаган. Катта бўлгач, икки оёқда, узун бўйнига унча ҳам мос бўлмаган кичик бошини тўғри тутиб юрган. Эмбрионнинг узунлиги 20 см.ни таш-




кил қилади. Ваҳоланки, у катта бўлгач, ҳатто 5 м.гача етган.

Солиштириш орқали маълум бўлишича, динозаврларнинг бўйни ва орқа оёқлари жуда тез, олдинги оёқлари анча секин ўсган. Боши эса кичиклиги бўйича қолаверган. Олимларнинг фикрига кўра, эмбрион тишсиз бўлгани боис уларни ота-оналари, озиклантиришган.

## 1 СМ. ҲАЖМЛИ ПРОЦЕССОРЛАР

Ferra.ru сайтида берилган маълумотларга кўра, янги тадқиқотлар 1 см.гача бўлган компьютер процессорларини яратишга қаратилган. «International Business Machines» корпорацияси олимлари томонидан лойиҳалаштирилган ва яқин келажакда яратилиши кўзда тутилган процессорлар ҳажман кичкина қанд бўлаги (1 см.)га тенг бўлади. Доктор Бруно Майчел сўзларига кўра, компьютерларнинг кам қувват сарф этиб, кенг кўламадаги функцияларни амалга оширишига эришиш фурсати келди. Шу билан бирга, эндиликда компьютерларнинг нархи ҳам пасайиши зарур.

Айни пайтга қадар янги процессорнинг прототиби яратилиб, у «Aquasar» деб номланган. Ҳисоб-китобларга кўра, «Aquasar» мавжуд турдагиларига қараганда 50 фоиз тежамкор, бу жиҳати билан у дунёнинг бошқа компьютерларини ортда қолдиради. Эътиборлиси, бир сонияда 1,1 миллиардгача бўлган операцияларни бажара олади. 10-15 йилдан кейин эса лойиҳадаги каби қанд бўлагига тенг процессорлар фаннинг навбатдаги ўзига хос мўъжизаси бўлади. Бруно Майчелнинг таъкидлашича, яратилажак бир миллиграмм транзистор ҳозирги оғирлиги 1 кг.га тенг стандарт чиплар вазифасини бажаради.



GlobalScience.ru IBM RESEARCH ZURICH

## ИНФЕКЦИЯГА ҚАРШИ ЁРУҒЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ

Sciencedaily.com сайтида берилишича, бактерияларга қарши курашувчи янги технология яратилган. Атроф-муҳитни тозаловчи тизим (АТТ) Страфклайд университети (Шотландия) тадқиқотчилари томонидан амалга оширилган.

Қурилма ҳавони ва кўзга ташланувчи юзаларни ҳар хил бактерия ва микроблардан тозалайди. Бунинг учун спектр орқали нур сочиб, юзага узун ёруғлик тўлқинини йўллайди. Технологиядан «таралувчи» нурлар ичида қурилмаларда тез-тез фойдаланиладиган HINS нури ҳам бор бўлиб, у бактерияларни ўлдирувчи асосий воситадир. Тажриба шуни кўрсатдики, HINS нури ёрдамидаги ижобий натижага одатда фақат дезинфекция қилиш орқалигина эришилди.

Янги технология касалхоналарда бактериялар тарқалишининг олдини олишда самара бериши кутилмоқда. Технологияда бинафша рангли HINS нури билан бирга, иссиқ оқ нурдан фойдаланилган. Шунингдек, у биринчи бўлиб, университетнинг стерилизация электрон технологиялари лабораториясида синовдан ўтказилган.

Мосламанинг яратувчилари ҳар бир жойда табиий нурларнинг ўрни борлиги ва улар чуқурроқ ўрганилса, янада кўп натижаларга эришиш мумкинлигини айтиб ўтишган.

Санобар ЖУМАНОВА тайёрлади.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий Маркази жамоаси раҳбар ўринбосари Фуломхон Нарзуллаева га падари бузруквори

АСАДХОН отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Чўлнинг гармсел шамоли киприк қоқмоққа изн бермайди. Гўёки осмондан кум ёғаётгандек, изларни бир зумда кўмиб, онда-сонда учраётган саксовулларни у ёндан бу ёнга юлкалаганча ҳолдан тойдиради. Табиат ўзи билан ўзи олишаётган бепоён далалар бўм-бўш. Ана шу кенгликлар аро бир киши толиққан эшагини юришга қистаб, кафтларини пешонасига соябон қилганча кетиб борапти. Хуржунининг бир томони китоб-дафтарлар билан тўла. Иккинчи томонида нам латтага обдон ўралган бир неча кўчат ва дўмбира...

#### ОТА

Янги козгонга етиб олиш учун ошиқайтган бу йўловчи Қусжан муаллим эди. Туман марказидан қарийб бир юзу эллик километр олисда — Қизилқум чўлининг қоқ ўртасида жойлашган бу ҳудудда бори йўғи бир неча чўпон оилалари истиқомат қилишади, холос. Лекин унинг атрофида кўпгина олис ва яқин отарлар жойлашган. Чўпонларнинг фарзандлари эса ўқиши, билим олиши керак. Урушнинг бор азиятларини чекиб, не-не синовларни бошидан кечирган, тинчликни кўзига суртиб, қолган умрини элнинг болалари таълим-тарбиясига бахшида этишга аҳд қилган домлага эса табиатнинг бу инжиқликлари ҳеч гап эмас. У ана шу ниятни кўнглига маҳкам тугиб қарийб ўн йил Қусайқудуқдаги мактабга раҳбарлик қилди. У ердаги ишлар бир меъёрда давом эта бошлагач эса, домлари Янги козгонда бошланғич мактаб ташкил этиш учун жўнатишди.

Эллигинчи йиллар биргина қора уйдан иборат мактаб тез-тез кум кўчиқлари остида қолар, устоз ўз олдига болаларга сабоқ бериш билан бирга ҳудудга дарахт ўтказиб, яшиллик олиб киришдек вазифа ҳам турганини яхши биларди. Шу боис ҳам йўли қаерга тушса кўчат олиб келар, музиқий билимини тарбиянинг асоси дея ҳисобларди. Бора-бора овулу отарлардаги ҳар бир хонадон тўрига дўмбира илина бошлади...

Қусжан Наризов умр йўлдоши Салиха опай билан ўн тўрт фарзанд кўришди. Лекин улардан ўн нафари ҳали атак-чечак қилиб-қилмайин турли дардларга чалиниб оламдан ўтди. Бағрига босганлари эса тўрт қиз бўлди. Эр-хотин шунга ҳам шукр қилишди. Қисматларига кўнишди. Дилбандларига бор меҳру муҳаббатларини бериб вояга етказишди. Тўрт қиз ҳам ота изидан бориб, педагогик касбини танлади. Катта қизлари Надира Учқудуқ туманидаги 9-мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилди. Элмира Конимех туман халқ таълими бўлимининг масъул ходими. Пердела болалар боғчасида тарбиячи. Домла ташкил этган мактаб фаолиятини ривожлантириш, у эккан дарахтларни парваришлаб, ёнига яна кўчатлар ўтказиш эса унинг иккинчи қизи Ибогулнинг чекига тушди. У падарибузруквори ҳеч қачон дилидан тилига чиқармаган «Ўғлим омон бўлганда эди...» деган армонни ушалтиришга, унча-бунча эр киши ҳам амалга оширишга эриша олмайди-ган эзгуликларга қўл уришга ўзида куч-қувват топа олди. Опанинг меҳнатлари ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланди. Унинг кўксини 2007 йили «Шухрат» медали беаган эди. Мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллиги арафасида эса у Президентимизнинг фармонида кўра «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. Халқ ишончини қозониб туман, вилоят кенгашига депутат этиб сайланди.

#### КЕЧМАСАНГ, ТОПМАСАН...

...Ибогул қозоқ тили ва адабиётдан дарс берар экан, фанининг барча сир-синоатларини пухта эгаллаш учун ўз устида жуда кўп ишлади. Педагогик маҳоратининг жамики қирраларини синчиклаб

ўрганишдан эринмади. Ана шу изланишлари, тиришқоқлиги ортидан олий тоифали мутахассис сифатида тан олинди, ишлари вилоят миқёсида омалаштирилди. Ўқувчилари фан олимпиадалари, турли кўрик-танловларнинг туман, вилоят, республика босқичларида муваффақиятли иштирок эта борди. Назарида, у энди фаолияти давомида маълум бир йўлни белгилаб, топиб олган эди. Лекин 2001 йили... Кутилмаганда уни мактаб директори этиб тайинлаш-



кун тартибимиздан бирдек ўрин олмоғи керак...», дерди у ҳамкасблари билан йиғинларда. Шу мақсадда ўқитувчиларнинг малакасини ошириш,

# ИБОГУЛ

## ОЧЕРК

лари бироз шошириб қўйди. «Қизик, оддий ўқитувчи бўлсам. На директорнинг ўқув ёхуд маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб озгина тажриба орттирганим йўқ. Бу катта қадам менга оғирлик қилмасмикин?». Ана шу ўйлар билан яна отаси — устознинг ҳузурига ошиқди. «Ўзингдаги, уйингдаги икки азиз нарсадан кеча оласанми?», — деди узоқ ўйга толган бузруквори унинг бир тўхтама кела олмаётганини сезиб. Ибогул ҳайрон эди.

«Ўзингдагиси бу — ҳаловатинг. Унинг бахридан ўтиш — баъзида уйқузилик, баъзан турли қийинчиликлар, ҳатто ўзгаларнинг дарди билан яшаш каби кўринишларда олдиндан чиқиб келаверади. Одамзод меҳнат, машаққат билан ниманидир уйига сотиб олади. Агар керак бўлса шунини мактабга илинмоқ мен тилга олган уйингдаги азиз нарсадир». Шунда Ибогул беихтиёр кулиб юборди. Чунки бу манзаралар унга бегона эмас: ёдида, бир куни у отаси билан онаси сандиқда асраб юрган ўша пайтлар тақчил бўлган атлас матони «Ўғирлаб» унга «45 йиллик педагог бўлсанг-да, 45 дақиқалик дарсингга албатта тайёрлан...», «Кўргазмалар дарс, ҳар қандай ўқувчини тилга киритар» деган сўзларни ёзиб мактабга олиб қўйишганди. Шунда Солиха опай аввалига қизларига аталган сепнинг мактабга «ке-тиб қолгани»дан ранжиган, аммо дастурхон атрофидаги суҳбатдан сўнг эртасига минг авайлаб ўстирган тувақдаги гулини синф деразасига қўйиб кетганди.

Бундай ҳолатларга у болалик йиллари кўп бор гувоҳ бўлган ва ҳамisha отасининг бу сингари амалларидан фخرланган. Бугунги ўғитлар эса унинг жонига, қарашларига сингиб кетганга ишонч ҳосил қилганиданми, туман ҳокими: «Илтимос, сиз раҳбар этиб тайинланган даргоҳ мониторинг таҳлилларига кўра тумандаги 39 мактаб ичида 24-ўринда турибди, унинг қаддини кўтариш керак» деганида иккиланмади. Иш бошлаган куниданоқ мактабнинг ташқи, ички кўринишини дид билан жиҳозлаш, ҳомийлар эътиборини қаратиб, моддий-техник базани бойитиш баробарида, дарсларнинг самарадорлигига эришишга жиддий аҳамият бера бошлади. «Агар бугун имкониятларни кенгайтириб, эртага мазмун устида бош қотирагимиз ёки аксинча иш тутайлик десак ҳам кечикамиз. Ҳар икки вазифа

тажриба алмашишлари имконият яратиш, ўрта махсус маълумот эгаларининг олий ўқув даргоҳларида сирдан ўқишларини режалаштириш, жамозани бир мақсад сари бирлаштириш каби масалаларни ҳал этишга киришди. Дарвоқе, отасининг шогирдларидан кўпчилиги Конимех туманидаги турли мактабларда раҳбарлик қилар, улар Ибогулдан маслаҳатларини аямай, қўллаб-қувватлашарди. Айниса, фаолияти давомида у иқтидорли ёшлар тарбиясига алоҳида ўрин ажратди.

— Бир йили шунча ташвишларнинг ичида беш ёшли қизалоқнинг чўпдан дутор ясаб ип боғлаганча «чертиб» қуйлашини эшитиб қолгач, уни излаб топди. Кўрсакки, қизчада ҳақиқатдан ҳам нимадир бор. Ибогул ана шу «милт» этган истеъдод учкунини тарбиялаш, юзага чиқариш учун астойдил ҳаракат қилди. Натижада у йиллар ўтиб республикада ўтказилган ёш иқтидор эгалари танловига муваффақиятли иштирок этиб, кўпчилиكنинг олқишига сазовор бўлди.

Ана шундай санъатга ошурта йигит-қизлар сафини кенгайтириш ниятида мактабда «Сарибел созы» ансамблини ташкил этди. Бу жамоа 2007 йили халқ ансамбли номини олди. Жорий йилнинг «Баркамол авлод йили» дея аталиши муносабати билан Сарибел ширкат хўжалиги маъмурияти ансамблга 5 ярим миллион сўмлик муסיқа асбоблари совға қилди.

— Мен бир неча йил тумандаги «Қизғалдоқ» мактабга таълим муассасасида мудирилик қилганман, — дейди Ибогул Наризова. — Боланинг мактабга ўқувчилик юкини кўтаришга тайёр бўлиб келиши муҳим ўрин тутди. Дейлик, уйда тарбияланаётган болага байроқни кўрсатиб, уни таърифлаб беринг, десангиз у «Байроқ» дейиши мумкин. Лекин боғчага қатнаётгани «Байроғимиздаги кўк ранг мовий осмонимиз, яшили бепоён далаларимиз акси...» дея ўзининг нутқ маданияти, дунёқарашини кенглигини кўрсатиб беради. Ана шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда туман ҳокимлиги билан маслаҳатлашиб, муассасамиз базасида мактаб-боғча ташкил этдик. Бу саъй-ҳаракатимиз кўп ўтмай ўз самарасини кўрсатди.

Овулда асосий маданият, маърифат, маънавият маскани — бу мактаб. Ибогул кези

## Davlat mukofoti sohiblari



келганда илм маскани раҳбари, кези келганда депутат сифатида Сарибел ширкат хўжалиги раиси Ўрманбай Куенов, «Янги козгон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Тилеубай Юсупов билан ҳамкорликда сарибелликларнинг турмуш фаровонликларини юксалтириш, тўйларни исрофгарчиликсиз ўтказиш, оилаларнинг мустаҳкамлигини қарор топтириш каби масалаларда иш олиб боришади. У ҳудудда 41-мактабда бадий гимнастика тўғрисида ташкил этиш учун қанча ҳаракат қилган бўлса, бугун қизларнинг у ерда машғулотлар олиб боришаётганидан шунча мамнун. Ўтган яқин йиллар давомида мактаб ўқитувчиларидан Бауржон Пўлатов «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг

— Аксарият ҳолларда ишга бирга бориб, бирга қайтамыз, — дея жилмайиб қўяди Ибогул. — Мактабга яқинлашганимизда у илдам юриб дарвозани очади ва «Марҳамат, ҳурматли директор. Киши ўз раҳбарини ҳурмат қилиши керак» деб қўяди. Шу кайфият билан ишга шўнғиб кетамиз. У киши олий тоифали мураббий сифатида ёшлар билан ишлаш, сабоқлар самарадорлигини ошириш, янги педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш, дарсларини бир-биридан мазмунли ранг-баранг ташкил этиш, синф хоналарини дид билан жиҳозлаш каби юмушларни адо этишдан завқланади. Баъзида кеч кирганини сезмай қоламиз. Ҳовлимиз кўриниши билан беихтиёр мен олдинроқ юриб дарвозани очаман. У киши гоз юриш қилиб супа томонга буриладилар. Чунки энди оилада унинг раҳбарлиги бошланади. Мен меҳмон кутиш, қизларимга момомерос анъаналаримизга монанд рўзгор тутиш, тикиш-бичиш, турли таому пишириқлар тайёрлашни ўргатиб чарчоқларимни унутаман. Ўғилларимиз мол-ҳолни саришта қилгач, дарсларига ўтиришади. Деярли ҳар куни оила даярасида дўмбирани қўлга оламиз...

\*\*\*

... Мен Ибогул Наризованинг иш фаолиятини кўп йиллардан буён кузатиб келаман. У раҳбарлик қилаётган Конимех туманидаги 5-мактабда бир неча бор бўлганман. Ҳар гал ҳамроҳларим «Бу чўлда яшашнинг ўзи жасорат...» деган гапни албатта такрорлашарди. «Бу юртни яшнатиш-чи?» дердим беихтиёр чўл бағрида ям-яшил либосда гуркираб турган дарахтларга ишора қилиб. Ибогул мактаб атрофини кўкаламзорлаштиришнинг қўлбола томчилаб сўғориш усулини жорий этган. Чунки ёзнинг 45-50 даражага етадиган иссиғида дарахтларга челақлаб сув куйсангиз ҳам бир зумда парланиб кетади. Унинг бу амалини овулдошлари ҳам ўрганиб ҳовлилари, йўлу йўлқаларда кўчат ўтказиб, кўкартиришди. Сув ҳам қошки ариқларда оқиб турса денг. Аввал машинада сув ташиб, қудуқларни тўлдиришади. Сўнгра челақлаб кун давомида кўчатларнинг ҳар бири остига ўрнатилган пластмасса идишларга бўшаши билан солиб туришади. Идишнинг тешигидан эса томчилар илдиизга намлик узатиб туради...

Бир пайтлар Қусжан муаллим бу ерда мактабнинг пойдеворида илк гиштини қўйиб, илм чирогини ёққан, таълим-тарбия ва музиқий маданият бир-бирини тўлдирувчи қувват эканини фаолияти давомида далиллаган эди. Бугун бу томонларга йўлингиз тушса, чўлнинг қоқ ўртасидаги оппоқ бино, унинг атрофидаги яшил олам, хонадонларда чертилаётган дўмбира садолари кўнглингизни яшнатиб, ҳаётга муҳаббатингизни оширади. Дарвоқе, Сарибел ширкат хўжалиги нафақат туманда, балки вилоятда ўз нуфузига эга. Янги козгонда бирор марта ҳуқуқбuzарлик, жиноят бўлганини ҳеч ким эслай олмайди. Бу ҳақда гап бўлиши улар учун ор саналади. Чунки уларнинг каттаю кичигига ибрат бўлиб, ҳар жабҳада сабоқлар берувчи мактаби, қолаверса, Ибогул опайлари бор.

Ойбуви ОЧИЛОВА

# ФУТБОЛЧИ КУН ТАРТИБИ

## ҚАТБИЯТ, ИРОДА, ИШОНЧГА АСОСЛАНИШИ ЗАРУР

3-дарс

**Футбол — тартибли ўйин. Бирор натижага эришишни истасангиз, албатта, мураббийингиз уқтирган қатъий қоидаларга амал қилишингиз керак бўлади. Майдондагина эмас, балки мактабда, уйда, дўстлар даврасида ўзингизни тутишингиз, фикрлаш ва суҳбатда ибрат бўлиб юриши лозим. Ахир кўча-кўйда пала-партиш юрадиган боланинг стадионда бирдан тартибли бўлиб қолишига ишонингиз мумкинми?!**



Мураббий:  
Турсунбой  
АБДУРАИМОВ

Шунинг учун ҳар бир хатти-ҳаракатингизни муайян бир мақсадга йўналтиринг. Ҳеч бир амалингиз ортиқча бўлмасин. Чунки майдонда 90 дақиқа, баъзан ундан ҳам кўпроқ вақт футбол ўйнашга тўғри келади. Мағлубиятга учраган жамоаларнинг аксарияти куч-қувватини беҳуда сарфлагани учун ҳам тез чарчоқ аломатини сезади ва муҳим учрашувларни бой беради. Ҳатто ўзига ишонган, жисмоний жиҳатдан анча-мунча бакуват футболчиларни ҳам тартибсиз ҳаракатлари толиқтиради.

Бундан кўриниб турибдики, инсон организми, айниқса, энди шаклланаётган болалар танаси тартибни, маромни хуш кўради. Шу боисдан бугунги дарсимизда футболчи ўқувчиларнинг кун тартиби қандай ташкиллаштирилиши зарурлигига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Келинг, ҳозир бир кун мобайнида қилишингиз зарур бўлган талабларни бир "ип"га тизиб олсак:

Уйғониш вақти — 6.30.

**Бадан тарбияси** — 6.40—7.05 (уйда ёки очик ҳавода).

**Ювиниш** учун 10—15 дақиқа кифоя.

**Нонушта** — 7.15—7.45.

**Мактаб вақти** — 8.00—13.00 (катта танавфус пайтида бирор ширинлик билан бир пиёла чой ичишингиз мумкин).

**Тушлик** — 13.30—14.00.

**Келгуси кунги фанлардан берилган уй вазифаларини ҳамда ота-онанинг буюрган топшириқларни бажариш** — 14.00—16.30.

**Жисмоний машғулот (стадионда)** — 17.00—19.00.

**Ювиниш.**

**Кечки овқат** — 19.30—20.00.

**Бўш (ихтиёрий) вақт** — 20.00—21.00.

**Ухлаш вақти** — 21.00—6.30.

Албатта, мазкур кун тартиби сизнинг мактабдаги дарсингиз ва стадиондаги машғулотиңиз қачон бошланиши (туғаш)га қараб бироз ўзгариши ҳам мумкин. Бундан ташқари, қиш фаслида кунлар қисқариб, тунлар узайиши ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Кун тартиби — тана ва руҳингизни чиниктириш борасидаги энг муҳим идора усули. Машғулотлар вақтида футболнинг нозик сирларини жону дилдан ўргансангизу, бироқ сизни тобора соғлигингиз

ташвишга сола бошласа, демак, кун тартибингиз бузилган бўлади. Организмга болаликдан бир маромда вазифа юклаб борсангиз, кейинчалик ҳар қандай жабҳада юзага келувчи чарчоқни, машаққатни осонлик билан ортда қолдирадиган даражадаги мустақкам ирода соҳибига айланасиз.

Кун тартибига киритилган тонгги машғулот чоғи очик ҳавода югуриш ва бадан тарбиясини мукамал бажариш (бошдан оёққа қараб йўналувчи, босқичма-босқич амалга ошириладиган машқлар мажмуи) зарур. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам бирдек футбол ўйнаш талаб қилинади. Гоҳ иссиқ, гоҳ изғиринли кунларда стадионда тўп тепи-

совуқ сувда ювинг, бу тўла уйғонишингизга ёрдам беради. Машғулотларни тамомлагач, уйга томон югуриб келинг ҳамда илиқ сувда ювинишга ўрганинг. Баданингиз жисмоний машқлар сабаб терлаганда, туз ҳосил бўлади ва у теридаги нафас олувчи тўйнуқларни беркитиб қўяди. Бунинг оқибатида турли касалликлар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам илиқ (имкони бўлса қизиқ турган баданингиз ҳароратидан озроқ юқори ҳароратдаги) сувда чўмилинг. Дарвоқе, қишда уйдаги ҳарорат ҳаммомдаги ҳароратдан паст бўлиши мумкин, аммо ҳаддан ташқари совуқ бўлмаслиги керак. Тезда иссиқроқ кийиниб олишни унутманг. Энг аввало бошингизни қуритинг!

Баъзи мутахассислар тонгги бадан тарбиядан кейин бир ойда бир ёки икки мартаба совуқ сувга чайиниш орқали кейинчалик илиқ сувда ювинишдан деярли воз кечишга чорлайди. Уларнинг фикрида ҳам жон бор. Совуқ сувда чўмилиш танадаги жунжуқиш, титраш қалтираш хусусиятларига барҳам беради. Инчинун, совуқ сувда чўмилиб, чиниққан одамнинг иммунитетини мустақкам бўлади, об-ҳаво инжиқликлари туйфайли шамоллаб қолавермайди.

Машғулот давомида ҳам, ундан кейин ҳам танадаги ҳовурни тушириш мақсадида совуқ сув ёки музқаймоқ истеъмол қила кўрманг. У дарҳол томогингизни яллиғлантиради — шамоллайсиз ва натижада бир қанча машғулотлар-

ни ўтказиб юборишга мажбур бўласиз. Айтганча, алкоголь ичимликлар ичиш ва тамаки маҳсулотларини чекиш мутлақо тақиқланишини бир лаҳза ҳам ёддан чиқарманг.

Футболчи иссиқ ва совуқ шароитда биринчи галда боши ва оёғини асраши керак. Ёз ёки қиш бўлишидан қатъи назар, агар машғулот пайтида сувга тушиб кетиб, оёқ кийимингиз хўл бўлса, дарҳол қуруғига алмаштиринг.

Энди кун тартибига кирган муҳим икки омил — овқатланиш ва ўхлаш ҳақида бир оғиз тўхталамиз. Эрталаб туриб, тонгги машғулотларга кетишдан олдин ширин чой ёки кофе истеъмол қилинг. У танангизни тетиклаштиради, ҳафсалангизни оширади. Овқатланганда шошилмай, оғзингиздаги луқмани чайнаб ютинг. Ҳаддан ташқари ёғли таом емаганингиз маъқул. Гўштли, витаминли, калорияси юқори овқатларни қоғдага биноан тановвул қилинг. Овқатнинг меъёрида ейилиши кун тартиби туйқус бузилишидан асрайди. Овқатлангандан сўнг асло жисмоний машғулот қилманг. 3—4 соат сабр қилинг, овқат танангизда шунча вақт ичида ҳазм бўлади. Сўнгра бемалол мириқиб футбол ўйнашингиз мумкин.

Уйку футболчи учун энг яхши ҳордиқ чиқариш палласидир. Шу боисдан бир кунда 7—9 соат ухлаш тавсия этилади. Ухлаш ва уйғониш вақтлари имкон қадар доим бир хил вақтда бўлгани зарур. Ухлашдан олдин хона деразаларини бир фурсат очиб, ичкарини шамоллатинг.

**Келгуси дарсимизда "миллионлар ўйини"нинг бошқа спорт турлари билан алоқаси ва чамбарчас боғлиқлиги хусусида ҳамда футбол ўйнашдан аввал амалга оширилиши шарт бўлган чигилёзди машқлари (разминка) ҳақида ҳикоя қиламиз.**

### Sport saboqlari

шингиз керак. Табиийки, бунга бирдан эришиб бўлмайди: ё қаттиқ шамоллаб қоласиз, ё бошингиздан офтоб уради. Кун тартиботи эса ана шундай нохушлиқлардан ҳимоя қилади.

Кўчада машғулот ўтказишни жуда ҳам чўзиб юбормаган маъқул. Яъни, бошловчи болалар учун 15—20 дақиқа етарли. Чунки эрталаб тана ярим уйку ҳолатида бўлади ва машғулотлар узайиб кетса, ўша аъзоларингиз кун давомида физиологик хусусиятларини тиклолмаслиги ва бу сизда ҳорғинлик, ланжлик аломатларини пайдо қилиши мумкин. Агар кундан-кунга вазиятга мослашиб, кўникма ҳосил қилиб борсангиз, кейинчалик тонгги машғулотлар вақтини бемалол кўпайтиришингиз ҳам мумкин.

Эрталаб уйғонганингизда юзингиз ва билакларингизни

## ОЛТИНЛАР БЎЙИЧА КЎРСАТКИЧ — БЕШ

Гуанжоуда ўтаётган XVI Осиё ўйинлари тобора якунига етиб борапти. Шундай паллаларда, табиийки, қитъамизнинг турли мамлакатларидан келган юзлаб спортчилар асосан бош совринлар учун ҳал қилувчи мусобақаларга киришади. Кунга кеча ҳамюртларимиз умумжамоамиз ҳисобига икки олтин медални тухфа этишди.

мусобақасида бронза медални ҳам қўлга киритганди.

Осиёнинг етакчи энгил атлетикачиларидан бири Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш ботида ва лангарчўлда баландликка сакраш баҳсларида Леонид Андреев кумуш медални қўлга киритди.

**ТЕННИС.** Хабарингиз бор, диёри-мизнинг биринчи рақамли ракеткачилари — Денис Истомин ҳамда Окгул Омонмуродова яққалик баҳсларида умумжамоа учун кумуш медалларни келтирди. Д.Истомин ҳал қилувчи матчни ҳиндистонлик рақиби С.Девварманга қарши ўтказди ва икки сет натижасига кўра, 6:1, 6:2 ҳисобида энгилди. Ярим финал муҳорабасида чинакам иродани намойиш қилган Окгул эса бош соврин учун кечган сўнгги қарама-қаршилиқни ўз фойдасига ҳал қилолмади. У икки сет натижасига кўра, хитойлик Шуаи Пенгга 7:5, 6:2 ҳисобида ютқазиб қўйди.

**ТАЭКВОНДО.** Евгения Каримова бронза медал билан кифояланди.

**СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ.** Трамп-линнинг батутда сакраш баҳсларида қатнашган моҳир спортчимиз Екатерина Хилко яққалик баҳсларида 39,50 балл тўплаб, умумжамоа газнасига навбатдаги бронза медални ҳада қилди.

**ЮНОН-РУМ КУРАШИ.** 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан

ҳамюртимиз Давид Солдадзе ҳам ўз фаоллигини намойиш этиб, бронза медалга эришди.

**ШАХМАТ.** Жамоавий ўйинларда хотин-қизлардан иборат терма жамоамиз бешинчи партия якунига кўра, кучли учликда борапти. Халқаро тоифадаги спорт усталари Нафиса Мўминова, Олга Собирова, Юлдуз Ҳамрокулова ҳамда иқтидорли шахматчимиз Нодира Нодиржонова тўртлиги мўғулистонликларни 3,5:0,5, қатарликларни 4:0 ва эронликларни 2,5:1,5 ҳисобида энгшга муваффақ бўлди.

Рустам Қосимжонов бошчилигидаги шахматчиларимиз — Антон Филиппов, Алексей Барсов ва Жўрабек Ҳамрокулов эркаклар ўртасидаги жамоавий баҳсларнинг 3-турида қатарликларни 3:1 ҳисобида энгди. Сўнгра икки партияда Вьетнам ва Қозғистон терма жамоаларига қарши бир хил тарзда 2:2 ҳисобида дуранг ўйнади.

**БОКС.** Бугун барча юртдошларимиз эътибори айнан боксчиларимизнинг рингдаги хатти-ҳаракатларига қаратилса, ажабмас. Аббос Атоев қозғистонлик Доновек Сузановга, Хуршид Тожибоев ҳиндистонлик Викас Кришанга, Санжарбек Раҳмонов қозғистонлик Данияр Елеуссиновга, Уқтам Раҳмонов хитойлик Ма-

имаититуерсун Киённга ва Элшод Ра-сулов хитойлик Менг Фанлонгга қарши рингга кўтарилди ва финал йўллан-маси учун жуда муҳим жангини ўтказди.

**КАНОЗДА ЭШКАК ЭШИШ.** Бу борада икки қарра жаҳон чемпиони Вадим Менков 1000 метрга, Мерей Медетов эса 200 метрга ўтказилган саралаш беллашувларида 1-ўринни банд қилиб, тўғридан-тўғри финалга йўлланма олди.

Байдарқада эшкак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги мусобақада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Алексей Бобононов яқдиллигидаги ҳаракатлар самараси ҳам саралаш босқичида уларнинг голиб сифатида эътироф этилиши ва финал-га йўл олиши учун етарли бўлди.

**Шундай қилиб, Ўзбекистон жамоаси ҳозирча 5 олтин, 13 кумуш ва 17 бронза жами 35та медал жамғарган ҳолда ўн биринчи поғонада турибди. Бугун ҳам спортчиларимиз медаллар учун курашишни инobatга олсак, бу кўрсаткич тезда ўзгариши мумкин. Осиё ўйинларида юрт шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимизга омад тилаймиз!**

Саҳифани Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.



Дилшод МАНСУРОВ

**ЭРКИН КУРАШ.** Иқтидорли полвонимиз Дилшод Мансуров ватандошларимиз билдирган ишонччи халқаро аренада оқлашга муваффақ бўлди. У 55 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, барча рақибларининг курагини ерга текказди ва Осиё ўйинларининг олтин медалини қўлга киритди. Дилшод ҳал қилувчи учрашувни КХДР вакили Ил Кёнг Яннга қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобида устун келди. Голиб шарафига мамлакатимиз мадҳияси баралла янграб, байроғимиз масрур хилпирлади.

**ЕНГИЛ АТЛЕТИКА.** Яна бир олтин медални замонавий кўпкураш (еттикураш) борасида энг юқори балл тўплашга эришган Юлия Тарасова тақдим этди. "Aoti Main Stadium"да бўлиб ўтган ҳал қилувчи баҳсда спортчимиз 2:34.57 кўрсаткич билан биринчи ўринни банд этди. Сермаҳсул вакиламиз Ю.Тарасова мазкур қувончли дамлардан бироз олдинроқ ўтказилган узунликка сакраш



Юлия ТАРАСОВА

# «ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, ИЖОДКОРЛИК – МАҚСАДИМИЗ!»

(Давоми. Боши 11-бетда.)

## СЎЗ ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

**Хуршида ИСМОИЛОВА**, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети педагогика йўналишининг 1-курс магистранти, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори:

— Мазкур фестивалда дўстларимизнинг билим ва салоҳиятлари, олиб бораётган илмий изланишлари билан яқиндан танишдик. Тажрибалар алмашдик. Келажақда қилишимиз зарур бўлган ишлар режасини тузиб олдик. Мен ҳам илмий-амалий конференцияда ёшларга билим беришда инновацион усуллардан фойдаланишга бағишланган маърузам билан қатнашдим. Устозим педагогика фанлари доктори Нодири Эгамбердиева раҳбарлигида илмий изланишлар олиб бораяпман. Бутун диққат-эътиборим, ҳаракатларим Ватаним, халқим, ота-онам, устозларим қилган меҳнат ва гамхўрликларга бир фарзанд сифатида муносиб жавоб қайтариш, келажақда яхши инсон бўлиб, эл-юртга хизмат қилишдир.

**Босит УМАРХЎЖАЕВ**, Тошкент давлат маданият институти касбий педагогика таълими факультети 4-курс талабаси, Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори:

— Тарих фанидан, китоблардан, кинофильмлардан Бухоро тарихига оид кўплаб маълумотларни ўқиганман. Бугун эса ана шу қадимий шаҳарни ўз кўзим билан кўрдим. Тарихий обидалар бўйлаб қилган саёҳатимиз бир умр ёдимда қолади. Бу ерда ўтган ҳар бир кунимиз ўзим учун янги кашфиётларга бой бўлди.

Баркамол авлод йили ҳаётимда катта из қолдирди. Биринчиси, ўқиб, изланишларим самараси — Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори бўлганим бўлса, иккинчиси талабалар фестивалидаги иштироким бўлди. Фестиваль келгуси ҳаётим учун зарур бўлган жиҳатларни ўзлаштиришимга замин яратди.



**Барно БАЗАРБАЕВА**, Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали тиббиёт-профилактика иши факультети 4-курс талабаси:

— Талабалар фестивали баҳонасида ҳар бир фан соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар билан танишиш имкони юзага келгани аҳамиятли бўлди. Ўзаро ҳамкорлик, дўстлик, бир-биридан ўрганиш ёшларни катта ва улкан довонлар сари ишонч билан етаклайди, албатта.

Институтимизда биз ёшларнинг нафақат маълум йўналишдаги касб эгаси бўлишимиз, балки зукко ва билимдон инсонлар бўлиб камол топишимиз учун ҳам қайғуришади. Устозларимиз 1-курсдан бошлаб илмий изланишлар олиб боришимиз учун шароитлар яратиб, йўналишлар таклиф этишади. Мен ҳам устозларим билан ҳамкорликда қандли диабет хасталиқларининг эпидемиологиясига оид илмий изланишлар олиб бораяпман. Чунки сўнгги маълумотларга кўра, бу хасталик боис дунёда бугун 230 млн. киши азият чекаётган экан. Айниқса, болалар ва ўсмирларни ушбу касаллик ногиронликка маҳкум этаяпти. Ҳозир касалликка оид статистик маълумотлар тўплайпман. Келажақда эса унинг профилактик даволари устида изланаман. Мақсадим — инсонларга фойдаси тегадиган илмий кашфиётлар қилиш.

**Сора ТОШЕВА**,  
“Ma'rifat” мухбири

**А.ЁҚУБОВ, Т.ИСТАТОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар.



<p><b>Ma'rifat</b></p> <p><b>ТА'СИС</b> <b>ЕТУВЧИЛАР:</b> O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.</p>	<p><b>Bosh muharrir:</b> <b>Abdusamat RAHIMOV</b></p> <p>Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Ulug'bek TOSHKENBOYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV</p>	<p><b>Gazeta</b> <b>O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.</b></p> <p><b>INDEKS:</b> 149, 150. G-1022.</p> <p><b>Tiraj:</b> 26930.</p> <p><b>Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.</b></p> <p><b>Navbatchi muharrir:</b> <b>Dilshod KARIMOV</b> <b>Navbatchi:</b> <b>Sherali NAMOZOV</b></p>	<p>«Ma'rifat» dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.</p> <p>belgisi ostida reklama materiallari beriladi.</p> <p><b>MANZILIMIZ:</b> 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.</p> <p><b>E-mail:</b> info@marifat.uz <b>Web-site:</b> www.marifat.uz</p> <p><b>TELEFONLAR:</b> mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.</p>	<p>Bahosi sotuvda erkin narxda</p> <p><b>Dizaynerlar</b> <b>Liliya BINASHEVA,</b> <b>Malohat TOSHOVA.</b></p> <p>«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.</p> <p>Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy</p> <p>Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 23.10 ЎЗА яқуни — 22.45</p>
--	--	---	--	--